Халқ зиёлилари рўзномаси

Маърифат

معرفت

MARIFAT

1931 йил 4 июлдан чиқа бошлаган

1992 ЙИЛ 25 НОЯБРЬ, ЧОРШАНБА

№ 97 (6593).
Баҳоси 1 сўм 50 тийин.

Янгилаш даври, янгиланиш даври

Ҳозирги кунда ҳунар-техника таълимига катта эътибор берилмоқда. Унга бўлган олдинги қарашлар ўзгармоқда. Сабаби — мустақил Ўзбекистонимизнинг ўз миллий ишчи кадрлари, техниканинг барча сиру асрорини миридан-сиригача тушунадиган, уни кўзини юмиб ҳам бошқара оладиган ўғил-қизлари бўлиши керак. Туркияга ёшларни жўнатиб ўқитишдан кўзланган мақсад ҳам ана шу. Албатта, бу хайрли ишнинг бошланиши.

Серқуёш Ўзбекистонимиз ўз бойликлари, қўли гул инсонлари билан фахрланиб қолмасдан, ана-мана дегунча ўзининг замонавий техникасига эга бўлган йирик завод ва фабрикалари билан дунё миқёсига чиқиб олади. Бунинг учун эса касб-корли ёшлар керак.

Республикамиз азал-азалдан ҳунармандлар, халқ усталари Ватани бўлиб келган. Устоз-шогирдлик анъаналари асрлар оша давом этган. Мустақиллик шарофати билан бу соҳа ҳам қайта жонланаётгани қувончли ҳолдир.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири муовини Ҳайриддин Фатхуддинович Маъсудов билан бўлган суҳбатда ҳунар-техника билим юртлари муаммолари, унинг келажагига онд масалаларни қамраб олишга ҳаракат қилдик.

— Хайриддин ФАТХУДДИНОВИЧ, шу пайтгача ҳунар-техника билим юртлари тўғрисида ижобий фикр юритиш амри-маҳол эди. Мактаблар ҳам энг қолоқ ўқувчиларни ҳунар-техника билим юртларига юборгани сир эмас. Нега халқ орасида шундай тасаввур пайдо бўлган?

— Сабабсиз оқибат бўлмайди, дейишади. Саволингизда жон бор. Масаланинг туб моҳиятини очмоқ учун даставвал гапни унинг тарихидан бошласак. Ҳунар-техника билим юртлари эндигина тузилган ва тета-поя бўлаётган бир пайтда орадан ярим йил ўтгач Улуғ Ватан уруши бошланди. Минглаб болалар ота-онасиз етим қолди. 12—15 ёшдаги етимларни янги тузилган ҳунар-техника давлат системаси ўз бағрига олди. Уларга бошпана, кийим-кечак ва овқат берди. Бошпанасиз овқат қидириб, кўчаларда безорилик қилиб юрган болалар ҳунар-техника билим юртларида ҳунар ола бошлади.

Умуман, Улуғ Ватан уруши даврида ва урушдан кейинги вайрон бўлган халқ хўжалигини тиклаш йилларида билим юртларида аксарият етим-есирлар ўқиб, ҳунар олдилар, катталар билан баб-баравар меҳнат қилдилар. Мана шу даврдан халқ орасида ҳунар-техника билим юртида асосан етим-есирлар, тарбияга зор болалар ўқийди деган нохуш тушунчалар ва салбий қарашлар пайдо бўла бошлади. Бу тушунчани шу кунларгача етиб келишига мактаб ўқитувчилари ҳам сабабчи ни бўлди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— «Таълим тўғрисида»ги Қонунда тўққиз йиллик мактаблар ҳақида гап бор. Шундан келиб чиқиб, ўрта умумтаълим оладиган ўқувчилар сони ҳам ўз-ўзидан камаяди. Ўнинчи синфда ўқишни давом эттирадиган ўғил-қизларимиз тестлар ёки маълум имтиҳонлар орқали юқори синфга қабул қилинади. Қолган асосий ўқувчилар касб-кор эгаллаш йўлини тутади. Бу шароитда қандай ишлар амалга оширилади. Ўқувчилар кўчада қолиб кетмайдими?

КАСБ-КОРИМ— КАМОЛИМ

бўлишди. Чунки улар 7-синфдан бошлаб ота-оналарни ва ўқувчиларни билим юрти номи билан қўрқитиб келдилар.

Кимки ўзлаштириши яхши бўлмаса ёки хулқи ёмон бўлса, бундай ўқувчини ўртоқлари олдида изза қилиб, сенга 9-синфда жой йўқ, сен ПТУга борасан, дер эдилар. Шундай бўлиб келди ҳам. Ҳунар-техника билим юртлари мактаблар учун филиал вазифасини бажариб, яхши ўзлаштира олмаган ва интизоми ёмон бўлган ўқувчиларни қабул қилиб, уларга билим ва ҳунар бериб келди. Лекин шунга қарамасдан ҳунар-техника билим юртларини битирган минглаб йигит-қизлар республикамизнинг қишлоқ хўжалиги ва саноатини ривожланишига катта ҳисса қўшди. Юзлаб «ремесленниклар» бугунги кунда саноат корхоналари, жамоа, давлат хўжалиги раҳбарлари бўлиб ишламоқдалар. Масалан, фақатгина бир билим юртидан (Сурхондарё вилоятидаги 1-ҳунар-техника билим юрти) олти киши меҳнат қаҳрамони бўлди. Бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

— «Таълим тўғрисида»ги Қонунда тўққиз йиллик мактаблар ҳақида гап бор. Шундан келиб чиқиб, ўрта умумтаълим оладиган ўқувчилар сони ҳам ўз-ўзидан камаяди. Ўнинчи синфда ўқишни давом эттирадиган ўғил-қизларимиз тестлар ёки маълум имтиҳонлар орқали юқори синфга қабул қилинади. Қолган асосий ўқувчилар касб-кор эгаллаш йўлини тутади. Бу шароитда қандай ишлар амалга оширилади. Ўқувчилар кўчада қолиб кетмайдими?

— Ўзбекистон Республикасининг «Таълим тўғрисида»ги Қонунида таянч таълими (V — IX синфлар) мажбурий, 3-босқич таълими муассасаларига қабул қилиш танлов асосида амалга оширилади. Бундан кўзланган мақсад — ўрта маълумот оладиган ўқувчиларнинг билимини мустаҳкамлаш. Лекин қонунни бажариш учун тайёргарлик қилиш керак. Шу йилнинг ўзида 11 йиллик мактабларни ёки 9-синфларнинг сонини бирдан камайтириб, ўқувчиларни кўчада қолдириб бўлмайди.

Билим юртига киришни хоҳлаганларнинг ҳаммасини қабул қила олмаймиз. Бундан ташқари, қонунга асосан тўлиқ маълумот берадиган билим юртларга танлов (имтиҳон) йўли билан қабул қилинади. Танловдан ўтмаганлар ўқиш муддати 1—2 йиллик мутахассислик берадиган гуруҳларга қабул қилинадилар.

— Ҳунар-техника билим юртларининг турлари, улардаги янгиликлар, ўзгаришлар, республика ҳунар-техника таълимини ривожлантириш йўллари ҳақида гапириб берсангиз.

— Жумҳуриятимиз халқ хўжалиги комплексининг бозор иқтисодиёти шароитига мослашаётган ҳозирги йўналиши ҳунар-техника таълимининг мазмуни ва усулига ҳам бир қатор ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда.

1990 йил охирларида Халқ таълими вазирлиги Тошкент шаҳридаги 11, 36 ва 245-ҳунар-техника билим юртлари педагогик жамоасининг олиб бораётган янгича иш услублари ва ташаббусларини эътиборга олиб, уларни республика ўқув-ишлаб чиқариш марказларига айлантирди. Бу билим юртларини фақат номигина эмас, балки мазмуни ҳам тубдан ўзгарди.

Ўқув-ишлаб чиқариш марказларининг ўқув устахоналари янги технология талабларига жавоб берадиган саноат ускуналари билан жиҳозланган бўлиб, ўқувчилар амалий машғулотни бажариш вақтида кўп миқдорда истеъмол буюмлари ишлаб чиқарадилар ва бу билан билим юртида олган назарий билимларини амалий ишда мустаҳкамлаб, ўқиб юрган пайтларида малакали ишчиларга тенглашадилар. Ўқув марказларининг қошида мустақил иш олиб борадиган ўқувчилар корхонаси (кичик завод, фабрика) ташкил қилиш мумкин. Ишлаб чиқаришдан олинган даромад ўқувчиларга иш ҳақи, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълими усталарини рағбатлантиришга, моддий негизни мустаҳкамлаб, ишлаб чиқаришга сарфланади. Иккинчидан, ўқув-ишлаб чиқариш марказлари ишчиларнинг малакасини ошириш билан ҳам шуғулланадилар, малакали ишчиларни бошқа минтақалар учун тайёрлайдилар.

1988 йилда собиқ СССР ҳукуматининг қарори билан иттифоқдаги 20 та энг яхши ҳунар-техника билим юртлари кўп босқичли олий ҳунар-техника билим юртига айлантирилган эди. Шуларнинг ичида Тошкентдаги Х. З. Калонов номидаги 21-ҳунар-техника билим юрти республикамизда биринчи бўлиб олий ҳунар билим юрти номини олди.

(Давоми 2-бетда).



Қибрай районидаги 32-мактабда ўз касбининг фидойилари меҳнат қилишади. Ўзбекистон халқ маорифи аълочиси, биринчи тоифали ўқитувчи Ҳусан Аъзамов бутун меҳнат фаолиятини тарих фанини ўқитишга бағишлади. Илм масканида ишлаётганларнинг кўпчилиги унинг шогирдларидир. Шунинг учун ҳам каттаю кичик устозга ҳамиша таъзимда бўладилар.

Меҳнат таълими ўқитувчиси Зуҳра Ҳожиеванинг наздида ушбу фан орқали ўғил-қизларни мустақил ҳаётга тайёрлаб борилса, фойдадан холи бўлмайди. Ҳар бир қиз мактаб партасиданоқ уй-рўзғор юмушларини эплаб кетмоғи даркор. Машғулотларда ҳам асосий эътибор ана шу тамойилга қаратилади.

Суратларни Р. АЛЬБЕКОВ олган.

ҒОЛИБЛАР МУКОФОТЛАНДИ

Сўнгги йилларда илм-фан соҳасида кўзга ташланган ютуқларимиздан бири — компьютердир. Бугунги кунда ҳаётимизни унинг хизматисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу «беминнат дастёр»лардан янада кўпроқ фойдаланиш учун эса мактаб ўқувчиларига компьютер илмини ўргатмоқ айни кундаги долзарб вазифалардан биридир.

Дарҳақиқат, ҳозир республикамиздаги 8,5 минг мактабнинг 46 фоизида компьютерлар мавжуд бўлишига қарамасдан, улардан фойдаланиш қониқарли даражада эмас. Бунга асосий сабаблардан бири — предмет ўқитувчиларининг кўпчилиги компьютерни ишлатишни билмаслигидан, иккинчиси эса — регионал дастурнинг яратилмаганидадир.

Республикамиз мустақил бўлгандан кейин бу борада хайрли бир ишга қўл урилди. Яъни компьютерлар учун ўқув-педагогик дастурлар яратиш бўйича кўрик-конкурс эълон қилинди. Яқинда Халқ таълими вазирлигида ана шу кўрик-конкурс ғолибларини мукофотлаш маросими бўлди.

— Бу кўрик-конкурсга 43 та педагогик дастур воситалари тушган эди, — дея сўз бошлади Республика ўқув-методика маркази директорининг муовини Р. Аҳроров. — Шулардан 9 таси ижобий баҳоланди. Жумладан, 3 та биринчи ўринга 7 минг сўм пул мукофоти, 3 та иккинчи ўринга 5 минг сўм, 3 та учинчи ўринга эса 3 минг сўм пул билан мукофотлашни лозим топдик.

Мукофотланганларга «Ихтиночи-ўқитувчи» гувоҳномаси ҳам қўшиб топширилди.

Йиғилишда мукофотларни эгаларига топширган халқ таълими вазири Ж. Ғ. Йўлдошев информатика ўқитувчилари, шу жумладан, ихтиночи-ўқитувчилар олдида турган вазифалар, компьютерлар учун миллий дастурлар яратиш борасидаги муаммолар ва айни пайтда кечиктирилмасдан амалга оширилиши лозим бўлган юмушлар ҳақидаги ўз фикрларини баён қилди.

З. УСМОНОВА,
мухбиримиз.



Шу сонга телеграмма

Моддий қийинчиликлар маънавий озуқамиздан бебаҳра қолдиролмайди, дейишяпти Хива шаҳар халқ таълими касаба уюшмалари ходимлари. Бозор иқтисодиёти тақчилликлари халқ зиёлиларининг севимли рўзномаси «Маърифат»га ёппасига обуна бўлишга тўсқинлик қилолмади. Биз октябрь ойи маошидан «Маърифат»га тўлалигича обуна бўлдик. Янги йилда рўзномамиз ўз ўқимишлилиги билан ҳамишалик ҳамроҳимиз, маслаҳатгўй ва самимий суҳбатдошимиз бўлишига ишонамиз.

Е. ИБОДУЛЛАЕВА,
Хива шаҳар халқ таълими бўлими мудири.

ЁРДАМЧИ ХЎЖАЛИК— ФОЙДАЛИ ТАРМОҚ

Ҳозирги бозор иқтисодиёти даврида барча соҳаларда бўлганидек, халқ таълими тармоқларида ҳам иқтисодий қийинчиликлар ва етишмовчиликлар бўлиб турган бир пайтда ёрдамчи хўжалик ишларини такомиллаштириш ғоят муҳимдир. Бу борада Андижон вилояти Избоскан ноҳия халқ таълими бўлимига қарашли мактаб ва боғча-яслилари ёрдамчи хўжалик еридан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқда.

Хусусан, ўтган 1991 йилда ноҳия халқ таълими бўлими мактаб боғча-яслиларига қарашли 9,42 гектар ердан унумли фойдаланилганлиги туфайли 45695 сўм даромад олинди. Шундан 15044 сўм мевали боғлардан, 26941 сўм сабзавот ва полиз экинларидан, 1810 сўм иссиқхонада етиштирилган маҳсулотлардан, 1000 сўм қўшимча хўжаликлардан олинди.

Ноҳиядаги С. Мамадалиев директорлик қилаётган 17-ўрта мактабда, айниқса, ёрдамчи хўжалик еридан унумли фойдаланилди. Ўтган хўжалик йилида мактаб жамоаси 30 сотих ердан 8500 сўм соф даромад олди. Ерга мактабнинг иссиқхонасида парвариш қилинган помидор кўчати экилди. Ёрдамчи хўжаликдан олинган даромад эвазига мактаб ўзининг иситиш тармоқларини ва иссиқхоналарини таъмирлашга муваффақ бўлди.

Ёрдамчи хўжаликдан самарали фойдаланаётганлар қаторига ноҳиядаги 15, 32, 11, 12, 44-ўрта мактабларни ҳам киритиш мумкин. Шунингдек, 13, 24, 11-болалар боғчаси ходимлари ҳам ёрдамчи хўжалик ерларидан унумли фойдаланмоқдалар.

— Жорий йилда ноҳиямиз мактаб ва боғча-яслиларидаги ёрдамчи хўжалик ерларидан катта даромад олишни режалаштириб турибмиз, — дейди ноҳия халқ таълими бўлими мудири Аҳмаджон Қосимов биз билан суҳбатда. — Ҳозирда ёрдамчи хўжалик майдонларига экилган пиёз, бурдой, карам, шакар қизилча, саримсоқпиёз, картошқа каби экинлар парвариш қилиняпти. Шунингдек, экин майдонларида ёнғоқ, қўқонгилос, шафтоли, ўрик, олма, узум ва терак кўчатлари намунали парвариш қилинмоқда. Хуллас, бу йил ёрдамчи хўжалик ерларидан 117.720 сўмлик даромад олишни мўлжаллаб турибмиз.

Бирини икки, иккисини тўрт қилишнинг ўзи бўлмайди ҳозирги шароитда. Тадбиркор, ишнинг кўзини биладиган ишбилармон бўлишни давр тақозо этмоқда. Ноҳия халқ таълими ходимларининг дастлабки ишлари ёмон эмас. «Ёрдамчи хўжалик»дан самарали фойдаланиш эвазига ўқитувчи ва ўқувчиларни бир маҳал иссиқ овқат билан таъминлаш, аълочи ўқувчиларга эса стипендиялар ташкил этиш уларнинг асосий мақсадига айланган.

Қ. АБДУСАТТОРОВ.

Долзарб мавзу

МУСТАҚИЛЛИК САБОҚЛАРИ

Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз.

И. А. КАРИМОВ.

Ўзбекистон бир йилдан бери мустақиллик нашидасини сурмоқда. Ана шу муддат ичида Ўзбекистоннинг дунёга, дунёнинг эса Ўзбекистонга нисбатан мутлақо янги кўз билан қарашлари вужудга келди. Эндиликда жаҳон ҳамжамиятидаги 145 давлатлар Ўзбекистон мустақиллигини эътироф этди. Уларнинг 40 дан ортиғи билан эса бевосита дипломатик муносабатлар ўрнатилди.

Республикамизнинг халқаро обрў-эътибори ортиб бормоқда. Унинг Бирлашган Миллатлар Ташкилотига қабул қилиниши, Оврўпода Хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган Кенгашнинг якунловчи актини имзолаб, Хельсинки жараёнига қўшилиши ана шундай обрў-эътибор келтирилишига муҳим ҳисса бўлди. Эндиликда республиканинг ички ва ташқи сиёсатини мустақил равишда амалга ошириш имконияти юзага келди. Озодлигимизни, иқтисодий мустақиллигимизни йўқотмасдан, ким билан, қайси давлат билан муносабат ўрнатиш, халқимизнинг иззат-ҳурматини жойига қўядиган, унинг тенглигини таъминлайдиган йўлни танлашимиз ҳозирги куннинг долзарб муаммосидир.

Ўзбекистоннинг халқаро обрўси кундан-кунга ортиб боришига асосий сабаблар нималардан иборат? Биринчидан, тинчлик ва ҳамжиҳатлик қоидалари асосида мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мустақил ташқи сиёсат юритиш. Иккинчидан, ташқи сиёсатнинг ички сиёсат билан узвий равишда боғлаб олиб борилишини таъминлаб, мамлакат ичкарисида осойишталикни сақлаб қолишга эришиш.

Республика мустақиллигининг ўтган бир йили ичида асрлар мобайнида амалга оширилмаган кўп нарсаларга эришишга муваффақ бўлинди. Ўзбекистон халқи жонажон ўлкадаги беқиёс бойликнинг абадул-абад ҳақиқий эгаси бўлиб қолди. Ҳозирги кунда эса биз ўзимизнинг ақлимиз, идрокимиз, қобилиятимиз, тафаккур дунёмиз орқали қаёққа бораяпмиз, қайси йўлдан боришимизни, қандай усуллар ва суръатлар билан ҳаракат қилишимизни аниқлаб олаяпмиз.

Жамиятимизнинг бугунги кундаги энг долзарб масалалари кун тартибига қўйилган бу асарда таъкидланганидек, «Ҳозир бизнинг жамиятимиз тарихий чорраҳада турибди. Республиканинг миллий-давлат, иқтисодий-иқтисодий ва маънавий камол топтирувчи ўз тараққиёт йўлини ишлаб чиқишимиз зарур. Бу мураккаб ва масъулиятли палладир. Ҳозир яшаб турганларнинг тақдиригина эмас, балки уларнинг фарзандлари, невараларининг ҳам тақдири, келажак авлодларнинг тақдири ҳам шунга боғлиқ бўлади.

Жамиятнинг кучи, унинг қудрати ҳарбий қуроллар билан эмас, балки меҳнат унумдорлиги, маҳсулот сифати, илмий-техник ходимларнинг тайёргарлик даражаси ҳамда улардан оқилона, самарали фойдаланиш билан белгиланади.

Юқорида биз қайд этиб ўтган мулоҳазалар ҳозир ҳар бир ўзбекнинг, ҳар бир ўзбекистонликнинг кўнглида бор. Айниқса, республикамиз Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи чоп этилганидан кейин республика мустақиллиги билан боғлиқ фикрларни кўпчилик яна бир қайта мушоҳада қилиб олаётир.

Республика танг ҳолатларни қай даражада тезроқ ҳал этиши, яккаҳокимлик тизимининг иллатларини батамом тугатиши, ривожланган маданиятли мамлакатлар даражасига чиқиб олиши шу нарса билан белгиланади. Биз ҳозир узоқ йўлнинг бошида турибмиз».

Дарҳақиқат, узоқ йўлнинг бошида турган киши босиб ўтилган йўл ҳақида сарҳисоб қилиши, кейинги режаларни пишитиб олиши табиий. Бутун рисолада қизил ип бўлиб ўтадиган асосий ният — Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашдир. Эришилган муваффақият ва тажрибалар таҳлилида ҳам, қилиниши лозим бўлган режалар қамровида ҳам ана шу олижаноб ният бош ўрин тутади. Ўзбекистон мустақиллигини таъминлайдиган тўрт асосий муаммо китобда алоҳида-алоҳида ажратиб қайд этилган. Булар қуйидагилардир:

а) Ўзбекистонда демократик ва ижтимоий адолатли жамият қуриш;

б) миллий манфаатлар устиворлигини ҳамда тенг ҳуқуқли ҳамкорликка асосланган ташқи сиёсатни таъминлаш;

в) мустақил Ўзбекистон ички сиёсатининг негизи — ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор иқтисодиётини барпо этиш;

г) мустақил Ўзбекистоннинг ҳар қандай ҳолатда ҳам бу йўл ҳар қандай андоза олишлардан, тақлидчиликдан, кўр-кўрона эргашишлардан холи бўлмоғи керак. Китобда худди шу жиҳатларга алоҳида урғу берилгани ҳам бежиз эмас. Муаллиф асосли таъкидлаганидек, Ўзбекистонда демократия ва ижтимоий адолат заминига қурилган жамиятни барпо этиш бош вазифадир. Демакки, бизнинг жамиятимизда инсон омилига алоҳида урғу тушмоғи лозим.

Аслини олганда, Ўзбекистон халқ хўжалигининг оғир аҳволга тушиб қолишида бошқа сабаблар қаторида тайёрланган кадрлар билим даражасининг пастлиги, улардаги ишбилармонлик ва тадбиркорликнинг етарли эмаслиги ҳам муҳим ўрин тутади. Бу аҳволдан қутилишда халқ таълими тизими асосий роль ўйнайди. Чунки ҳар қандай мутахассис, ҳар бир касб эгаси дастлабки билимни, фаннинг бошланғич асосларини бевосита боғча ва мактабларда олади. Модомики шундай экан, боғча ва мактаб ёшиданоқ болаларни ижодкорликка, ташаббускорликка, ишбилармонликка ўргатиш муҳимдир.

Давр талаб этаётган ижобий хусусиятларни бола онгига сингдирувчи куч, ҳеч шубҳасиз, ўқитувчи ва тарбиячилардир. Ахир, болаларга мустақиллик ва истиқлол сабоғини берувчи, уларда Ватан ва халқ мустақиллиги йўлида фидойилик хислатларини тарбиялловчилар ҳам ўқитувчилар-да! Шунинг учун ҳам республика Президенти ўқитувчилар, маориф ходимлари, талабаларни бозор иқтисодиёти, иқтисодий бўҳронлар даврида ижтимоий ҳимоя қилишга алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги бир йил мобайнида ўқитувчилар, тарбиячиларнинг иш ҳақлари, олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари стипендияларининг 20 — 30 марта оширилганини айтишнинг ўзи кифоя. Уларнинг уй-жой шароитларини яхшилашдаги, уларга маиший хизмат кўрсатишдаги имтиёз ва енгилликлар ҳам фикримизнинг далилидир.

Киши ўзи ҳақидаги ғамхўрликни, қайғуришни кўрганидан кейин, табиийки, унинг кўнглида эзгуликка, жўшқинликка рағбат уйғонади, у ўзини улуғвор туйғулар қучоғида кўради. Ҳозирги пайтда халқ таълими ходимлари ҳам ана шундай эзгу ўйлар билан банд. Улар республика мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришга ҳаракат қилишмоқда.

Эндиликда мактабдан бошлаб олий ўқув юртларининг ўзигача бутун таълим-тарбия жараёни қайта кўриб чиқилмоқда, ўқув режалари, дастурлар, дарслик ва қўлланмалар қайта тузилмоқда, уларнинг мустақил Ўзбекистонимиз олдида турган энг муҳим сиёсий, иқтисодий, маънавий талаб ва вазифалар руҳида бўлишига алоҳида эътибор берилмоқда.

(Давоми 2-бетда).

МУСТАҚИЛЛИК САБОҚЛАРИ

(Боши 1-бетда).

Биргина бизнинг Низомий номидаги педагогика институтимизда ўқишнинг уч бўлимида ўн етти минг талабага бир минг икки юзга яқин малакали профессор-ўқитувчилар ўттиз мутахассислик бўйича дарс беради. Улар муайян фан соҳаларининг етук билимдонларигина эмас, балки айни пайтда маънавияти бутун, ҳар томонлама комил инсонлар ҳамдир. Устодлардаги ана шундай фазилатлар мулоқот чоғида талабаларга юқиши турган гап. Айни пайтда бўлажак педагогларимизнинг маънавий баркамол бўлишлари ҳам ёддан чиқаётгани йўқ. Институтимизда дам олиш зонаси, махсус санаторий-профилакторий, чойроқ бўлса-да соғломлаштириш майдончалари ишлаб турибди. Ўқув биноларида, ётоқхоналарда талабалар орасида тарбиявий ишларимиз бирмунча жонланди. Биз уларнинг саноғини кўпайтириш учун эмас, балки ҳар бир тарбиявий ишнинг таъсирчанлиги, ҳаётийлиги учун курашмоқдамиз. «Ҳаёт она алласидан бошланади», «Наврўз», «Тилни билиш — дилни билишга йўл очар» деб номланган тадбирларимиз, назаримизда, фақат уни тайёрлаганлар учунгина эмас, у ерда иштирок этганлар учун ҳам ниҳоятда қизиқарли бўлмоқда.

Ўзбекистонда демократия ва ижтимоий адолатни тиклаш, рисолада таъкидланганидек, бош вазифадир. Бу вазифа бутун Ўзбекистон фуқароларининг кўнглида кечаётган энг эзгу истаклардан биридир. Ҳозир шу йўлда собитқадамлик билан борилмоқда. Қадимий анъаналаримизга мос ва мувофиқ келадиган президентлик бошқарувининг ташкил этилиши, жойларда ҳокимликнинг юзага келганлиги шу йўлдаги дастлабки натижалардир. Худди шунинг учун ҳам қонуний қарорларнинг рўёбга чиқарилиши, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларининг ҳимоя қилиниши, сиёсий ва иқтисодий ислоҳотларнинг турмушга тадбиқ этилиши таъминланмоқда.

Ўрни келганда фақат эндиликдагина миллатларнинг ҳақиқий тенглиги учун шароит яратилаётганлигини ҳам таъкидлаш жоиздир. Ҳуқуқий давлатни тиклаш ҳар бир миллатнинг орзуси бўлиб келган. Аммо бу орзу миллий мустақиллик шароитидагина рўёбга чиқиши мумкин.

Шуни ҳам унутмаслик лозимки, сиёсатдаги, ижтимоий ва маънавий соҳадаги туб бурилишлар иқтисодий ислоҳот ва ўзгаришлар билан ҳам чамбарчас боғлиқдир. Шунга кўра, И. А. Каримов мазкур соҳага алоҳида урғу беради. Асарда «Миллий бойликнинг кўпайишини республиканинг мустақиллигини, одамларнинг муносиб турмуш ва иш шароитларини таъминлайдиган қудратли, барқарор ва жўшқин ривожланиб борувчи иқтисодиётни барпо этиш» режаси махсус таъкидланади. Муҳими, китобда шу улуғвор режанинг амалга ошириш шакллари ва йўллари ҳам батафсил ва атрофлича кўрсатиб берилган.

Ҳозирги даврнинг дастлабки муҳим вазифаларидан бири ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини босқичма-босқич шакллантиришдир. Маълумки, «бозор иқтисодиёти» атамаси ниҳоятда мураккаб ва айни пайтда кенг тушунчани ифодалайди.

Жамиятимиздаги иқтисодий танглиқнинг асосини — мулк муносабатлардаги тенглик ташкил этади. Чунки мулк муносабатлари ишлаб чиқариш муносабатларининг негизи ҳисобланади. Мулкни ислоҳ қилмасдан туриб, меҳнаткашларнинг ишлаб чиқариш воситаларидан «бегоналашувини» бартараф этмасдан туриб, ишлаб чиқарувчи ходимни мулкдор ёки мулкнинг ҳақиқий эгасига айлантирмасдан туриб, иқтисодий тангликдан қисқа муддатларда чиқиш тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас.

Халқ манфаатларига жавоб берувчи иқтисодий сиёсат — Ўзбекистонни мустақил ривожлантиришнинг муҳим шартидир.

Ҳозирги даврда мустақил Ўзбекистон олдида икки мураккаб масалани ҳал этиш — бир томондан бозор иқтисодиётига ўтишда чуқур ислоҳотлар ўтказиш, иккинчи томондан иқтисодиётни барқарорлаштириш, халқ фаровонлигининг кескин пасайиб кетишига йўл қўймаслик вазифалари турибди.

Ислом Каримов ўзининг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асарида таъкидлаб ўтганидек, ички сиёсатнинг негизи инсон манфаатларига қаратилган, меҳнатни рағбатлантириш кучли механизмга эга бўлган ва аҳолининг ижтимоий ночор қатламларини давлат йўли билан ҳимоя қиладиган бозор иқтисодиётини қуришдан иборатдир. Фақат уюшган бозор иқтисодиётигина бугунги кунда халқнинг ижодий ва меҳнат имкониятларини очиб бера олади, боқимандаликка хотима беради, тақаббускорлик ва ишбилармонликни ривожлантира олади, рағбатлантиришни ва йўқотилган хўжайинлик туйғусини қайта тиклайди. Фақат бозор иқтисодиётигина тежамли хўжалик юритишнинг кучли, оқилона жиҳатларини яратади, ҳаражатларни камайтиради, истеъмолчининг ролини оширади ва унинг манфаатларига хизмат қилади.

Ҳозиргача вужудга келган оғир иқтисодий аҳволга аслида жаҳон ҳамжамиятида амал қиладиган бозор иқтисодиёти қонунларига меносимасдан қараш ёки тўғридан-тўғри уни инкор қилиб келинганлиги ҳам сабаб бўлди. Иқтисодиётнинг барча жабҳалари ўта марказлаштирилиб юборилганидан туб бурилишлар чоғида уларни манёвр қилиш имконияти бўлмай қолди. Охироқибат бу нарса иқтисодий таназзуллар манзилига олиб келди. Асардаги «Иқтисодиётни ўта марказлаштирмаслик ҳамда яккаҳокимликка барҳам бериш, корхоналар ва ташкилотлар мустақиллигини кенгайтириш» борасидаги фикрлар шу жиҳатига кўра ҳам қиммматлидир.

Бозор иқтисодиётига ўтиш ҳозирги даврнинг қатъий талаби, ҳаётнинг объектив воқелигидир. Бозорга ўтиш мураккаб жараёндир. Ислом Каримов ўз асарида таъкидлаб ўтганидек, «бозор фақат мақсад эмас, балки янги қадриятларни шакллантириш, одамлар фаровонлигининг сифат жиҳатидан тубдан юқори даражасига эришиш услуби ва воситасидир». Демак, Ўзбекистон жумҳуриятида амалга оширилаётган чуқур иқтисодий ўзгаришларнинг моҳияти мамлакатимиз аҳолисининг турмуш даражаси ўсишини ва фуқароларнинг маънавий ривожланишини таъминлайдиган самарали иқтисодиётни шакллантиришдан иборатдир.

Ислом Каримов иқтисодчи олим ва амалиётни яхши биладиган раҳбар сифатида мустақил Ўзбекистоннинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор иқтисодиётига ўтишни назарий жиҳатдан асослабгина қолмасдан, балки бу мураккаб жараёнга ўтишнинг йўл-йўриқлари, услублари ҳамда аниқ тадбирлари ва уларни босқичма-босқич амалга ошириш зарурлигини илмий асослаб берди. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон бозор иқтисодиётига ўтиш даврида вужудга келаётган барча қийинчиликларга қарамасдан, илғор ривож топган мамлакатлар тажрибасидан фойдаланиб, келажакка ишонч билан дадил ҳаракат қилиш билан бир қаторда ўзининг аниқ белгиланган иқтисодий йўналишини ва сиёсий барқарорлигини сақлаб қолмоқда. Ўзбекистон жумҳурияти амалда ўзининг иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлаш учун барча имкониятларга эга. Яъни у бой табиий ресурсларга, шакланиб келаётган кенг тармоқли бозор инфраструктурасига, саноат, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришига, хўжалик юритиш санъатини эгаллаган ишбилармон, тадбиркор кишиларига эга ва бундай мутахассис ходимларнинг янада кўпроқ бўлиши учун республикада катта тадбирлар амалга оширилаяпти.

Бозор механизмини жорий этишда, албатта, дастлаб фуқароларни ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари ниҳоятда пухта даражада амалга оширилмоғи лозим. Республикамизда бу борада кўпгина ишлар қилиняпти. Кам таъминланган оилаларга, қаровсиз кишиларга, меҳнат фахрийлари ва нафақахўрларга берилаётган имтиёзлар, зиёлиларга, айниқса, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва бошқа соҳаларда банд бўлган ходимларга берилаётган имтиёз ва енгилликлар шулар жумласидандир.

Иқтисодий тараққиёт маънавий такомил билан омухта бўлсагина тегишли натижани беради. Шундагина мукаммал жамият ҳақида гапириш мумкин бўлади. Яқинда институтимизда И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китоби асосида илмий анжуман ўтказган эдик. Унда профессорларимиздан бири ниҳоятда чиройли бир мисол келтирди. «Агар бола туғилса-ю, — деди у, — болани аввал улғайтириб, вояга етказиб олиб, кейин унинг тарбияси билан шуғулланадиган бўлсак, мутлақо бемаъни иш бўлур эди. Ваҳоланки, тарбия бола туғилган куннинг ўзидан бошланмоғи керак. Демак, иқтисодий юксалишлар ҳақида гапирарканмиз, жамиятнинг маънавий баркамоллиги ҳам диққат марказида бўлиши лозим...». Мана шу ҳаётий ҳақиқат И. А. Каримов асарида ҳам ўз аксини тўлалигича топган. Маънавият ва ахлоқийликни қайта тиклаш, халқларнинг маънавий меросига эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлиш, ноёб тарихий ёдгорликларни сақлаш ва таъмирлаш, ўзбек халқи яратган ва миллий бойлик бўлган санъат асарларини излаб топиш ва Ўзбекистонга қайтариш хусусидаги вазифалар замирида ана шу ўйлар бор.

Бизнинг кейинги етмиш йиллик тарихимиз аслида тарихдан узилиб қолиш даври деб баҳоланишга лойиқ. Миллий қадриятларимизнинг унутилиши, бой маданий меросимизга бепарволик, маънавий дунёмизнинг қашшоқлашуви шу давр билан боғланиб кетади. Ўзбекистоннинг мустақилликни қўлга киритиши шарофати билангина бу қусурлардан қутилиш йўли очилди. Президентимиз таъкидлаганидек, «тарихга мурожаат қилар эканмиз, бу халқ хотираси эканлигини назарда тутишимиз керак. Хотирасиз баркамол киши бўлмаганидек, ўз тарихини билмаган халқнинг келажаги ҳам бўлмайди».

Институтимизда бу соҳада амалга оширилаётган ишлар И. Каримов китобига бағишлаб ўтказилган конференциядаги илмий маърузаларда ҳам қайд этиб ўтилди. Бу ўринда, айниқса, ўқув режаларининг қайта тузилаётганлиги, институтнинг барча факультетларида Ўзбекистон тарихи, ўзбек тили ва адабиёти курсларининг жорий этилганлиги, деярли барча фанлар ва ўқув предметларида миллий анъаналарга устиворлик берилганлигини эслатиб ўтиш кифоя. Қолаверса, ҳозиргача ҳам барча педагогика институтларида бўлажак ўқитувчи ва тарбиячиларимиз Ғарб ва Оврўподаги педагогик қарашлар тизими ва тарихини чуқур ўргангани ҳолда Шарқдаги миллий тарбия анъаналаридан деярли бехабар қолишар эди. Энди бу соҳада махсус ҳаракатлар бўляпти. Шарқдаги педагогик қарашлар ва миллий тарбия анъаналарига доир курслар ўқув предмети сифатида ўқув режаларига киритилди. «Шарқ мутафаккирларининг педагогик қарашлари» деб номланган доимий назарий семинар ташкил этилди. Бу семинарда институтимизнинг кўзга кўринган профессор-ўқитувчилари қаторида республикамизнинг таниқли олимлари, академикларимиз ҳам иштирок этишади.

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» асари ҳажм жиҳатидан кичик бўлса-да, мазмунан жуда ҳам бой бўлиб, унда ҳозирги ниҳоятда сиёсий ва иқтисодий мураккаб шароитда фуқароларда пайдо бўлаётган, жумладан, «Қайси жамиятда яшаяпмиз?», «Қаерга бораяпмиз?», «Нима учун мана шундай иқтисодий қийинчиликка тушиб қолдик?», «Оғир аҳволдан чиқиш учун нималар қилиш керак?», «Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлаш учун қандай тадбирларни амалга ошириш зарур?» каби кўплаб саволларга ҳар томонлама асосланган жавоб топиш мумкин. Бунинг учун дастурий характерга эга бўлган бу асарни эътибор билан ўқиш ва ўрганиш керак. Ана шу мақсадда институтимизнинг кўп минг кишилик профессор-ўқитувчилари, хизматчи ва талабалари бу муҳим асарни назарий-амалий машғулотларда, тўгаракларда, анжуман ва йиғилишларда кенг кўламда ўрганмоқдалар.

Ишонч билан айтиш мумкинки, асарнинг бой ғоясини кенг меҳнаткашлар оммаси томонидан чуқур ўзлаштирилиши уларни янги меҳнат зафарларига чорлайди, республика мустақиллигини мустаҳкамлаш учун моддий-маънавий замин яратишга кўмаклашади.

Комил ЮСУПОВ,
Низомий номли Тошкент давлат педагогика институти ректори, профессор.

Сиз суратда кўриб турган истараси иссиқ бу опа — **Н. Абдуллаевадир.** У Конимех районидаги 7-мактабда ўқувчиларга она тилидан сабоқ беради.

А. ЧАПЛИГИНА тасвири.

МУЛОҲАЗА

БОБОЛАР РУҲИ ШОД БЎЛСИН

Ассалому алайкум, ҳурматли редакция ходимлари! Мен қўлимга қалам олар эканман, турмушимиздаги айрим лоқайдлик, масъулиятсизликлардан хафа бўлиб кетаман. Бунинг боиси шуки, табиатимиздаги мавжуд нарсалардан оқилона фойдалана олмаймиз. Масалан, бизнинг Шаҳрисабз шаҳрида бобомиз Амир Темур ва у кишининг невараси Мирзо Улуғбекдан қолган бир неча тарихий обидалар мавжуд. Булардан — Оқ сарой, Жаҳонгир мақбараси, Кўк Гумбаз, Шамсиддин кулол мақбараси ва шунга ўхшаш бир қатор мақбаралар бор.

Мен тарих, жўғрофия фанларига қизиқаман. Шу сабабли шаҳарга тушсам, тарихий обиданларни кўришга ҳаракат қиламан. Уларнинг ночор бир аҳволда мунғайиб, қаққайиб туришидан кўнглим эзилиб кетади. Йиғлагим келади. Оддий қишлоқ қизи бўлсам, кўлимдан нима ҳам келарди. Шундай ўйлар билан ўксиб уйга қайтаман. Ниҳоят, обдон ўйлагач, севимли рўзномамизга ёзишга қарор қилдим.

Шаҳримиздаги қанчадан-қанча обидалар қаровсиз ётибди. Бу ерга келиб-кетаётган кўплаб сайёҳлар ғариб бу миноораларни кўриб, ҳайрон бўлаётган бўлсалар керак. Бир пайтлар техника бўлмаган замонда гўзал бу обидалар қурилган эди. Ўзингизга маълум, бундай бежирим, виқорли, мустаҳкам биноларни ҳозирги устаҳлар бунёд эта олмайдилар. Шундай экан, қадимий иморатларни таъмирлаш, уларнинг умрларини янада узайтириш бугунги кун меъморларининг олдида турган муҳим вазифа эмасми?..

Соҳибқирон Амир Темур бизнинг шаҳарда туғилган. Шу сабабли у киши ўз шаҳрини гуллатиб-яшнатиш учун кўп меҳнат қилганлар. Қатор миноралар қурдирган. Ҳозирги вақтда бу миноораларнинг кўпи йўқолиб кетган. Шундан кўрониб турибдики, бу бизнинг бефарқлигимиздандир. Масалан, бизнинг қишлоқдаги масжид магазинга айлантирилган. Бундай бўлишига ким сабабчи? Ахир шаҳар-қишлоқ қанча гуллаб-яшнаса, шунча кишиларга завқ бағишлайди. Фақатгина бизнинг шаҳарда эмас, бошқа шаҳарлардаги тарихий обидалар ҳам қаровсиз аҳволда. Ҳали ҳам эски тос, эски тоғора...

Йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас. Энди кўзни каттароқ очишимиз керак. Ахир бизнинг шаҳардан ҳам олимлар, ёзувчи ва шоирлар етишиб чиққан, улар аввало ўз юртларига эътибор қилишлари, сўнгра ўзга юртнинг тарихини, санъатини, иқтисодий, географик ўрнини ўрганишлари ҳам қарз, ҳам фарз эмасми....

Раъно Абдуҳалил қизи Пардаева,
Шаҳрисабз районидаги 78-мактаб ўқувчиси.

«ШАХСНОМА» ЁРДАМ КЎРСАТАДИ

Яқинда республикамиздаги илк педагогик жамғарма — «Шахснома» рўйхатга олинди. Янги ижтимоий-педагогик ташаббуслар жамғармаси маданиятли ва етук шахсни шакллантиришнинг назарий ва амалий вазифаларини ҳал этишни ўз олдига вазифа қилиб қўйган. Ижтимоий ва педагогик тадқиқотлар йўли билан бунга эришилади.

Жамғарма шахсни шакллантириш ижтимоий ва педагогик ғояларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш масалаларига лоқайд бўлмаган олимлар, педагоглар ва барча кишиларнинг куч-ғайратларини бирлаштиришга даъват этилган.

Узлуксиз таълим тизими таркиб топаётган ҳозирги кунда бозор муносабатлари шаклланаётган шароитларда юзага келаётган барча янгиликларда ҳеч бир истисносиз педагогик ташаббусларни ривожлантиришда ёрдам кўрсатиш жуда муҳим аҳамиятга эгадир. Барча таълим бўғинларининг мустаҳкам алоқаси ва давомийлиги уларни мунтазам равишда такомиллаштириб боришни, ҳар қайсисини ҳаёт тақозо этган шароитларга мослаштиришни кўзда тутади.

Педагогик амалиётдаги у ёки бу янгиликни қай йўл билан тўғри баҳолаш, чинакам зарур нарсани «назарийлаштирилган» кўрсатмалардан қандай фарқлай олиш сингари масалалар Тошкентдаги 25-ҳунар-техника билим юрти заминида ташкил этилган эксперименталпедагогика бирлашмаси диққат марказида бўлди. Олим ва педагоглардан таркиб топган жонкуярларни жипслаштирган «Устивор» илмий-тадқиқот жамоаси «Шахснома» ижтимоий-педагогик ташаббуслар жамғармасини шакллантириш учун асос бўлди.

Жамғарма ягона мақсадга — педагогик технологиягагина эмас, балки баркамол шахсни шакллантиришни такомиллаштиришга қаратилган бўлиб, барча педагогик янгиликларни қўллаб-қувватлашнинг ўзига хос маркази бўлиб қолади.

Педагогика фанининг долзарб йўналишлари бўйича муҳим ишни ўз ижодий меҳнати билан амалга оширувчилар олдида катта муаммолар турибди. Жамғарманинг хайрия йўналиши унинг ундан кейинги фаолиятида муҳим асос бўлиб қолади. «Шахснома»нинг мададидан новатор педагоглигина баҳраманд бўлиб қолмайдилар. Болалар уйлари, соғлиқларида нуқсонлар бўлган ўғил ва қиз болалар жамғарма диққат эътиборидан ўрин олишади. Бироқ жамғарма ташкилотчилари эртанги кун ишчисини тарбиялаш учун қулай шарт-шароитлар яратиб беришни ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўйишган.

Атоқли амалиётчи педагоглар, олимлар, руҳшунослар, файласуфлар, ҳуқуқшуносла, аниқ фан вакиллари жамғарма таъсис этувчиларидир. Улар орасида физика-математика фанлари доктори А. А. Ғафуров, педагогика фанлари докторлари Д. Ж. Шарипова ҳамда В. А. Мавлонова, фалсафа фанлари доктори Б. Каримов, фалсафа фанлари номзоди А. Шарипов, эксперименталпедагогика бирлашмаси бош директори В. И. Редин, унинг фан бўйича муовини М. Ғ. Ҳакимов ва бошқа кўплаб кишилар бор.

«Шахснома» ижтимоий-педагогик ташаббуслар жамғармаси президенти қилиб Б. У. Усмоналиев сайланди.

Янги жамғарма билан танишув чоғида унинг ташкилотчиларини Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазирининг ўринбосари, Тошкент шаҳар ҳокимияти халқ таълими бош бошқармаси бошлиғи Ҳ. Қ. Йўлдошев, Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти директори Қ. Ф. Ғозилхўжаев, Ўзбекистон бўйича коллегиал уюшма принципларини ўрганувчи бош координаторлар — Крис ҳамда Кристина Хемпковиц (АҚШ), журналистлар, педагогик жамоатчилик вакиллари табрикладилар.

Мухбиримиз.

КАСБ-КОРИМ—КАМОЛИМ

(Боши 1-бетда).

Ҳозирги кунда бу билим масканида малакали ишчидан бошлаб кичик муҳандисгача тайёрланади. 1992-93 ўқув йилида жумҳуриятимиз учун янги бўлган 3 та ҳунар-техника билим юртлари лицейларга айлантирилди. Бу лицейлар биринчи босқичда малакали ишчи, иккинчи босқичда ўрта махсус маълумотга эга бўлган мутахассис тайёрлайди. Биринчи босқичда ишчи касбига (2—4-разряд) имтиҳон топшириб тамом қилганлар махсус тест орқали иккинчи босқичга ўтказилади. Синовдан ўтолмаганлар ишчи касби бўйича диплом олиб корхоналарга ишга юборилади. Бу ўқув юртларининг техникумлардан афзаллиги шундаки, лицейнинг 2-босқичини битирган техниклар ишчи касбини мукаммал биладилар ва ишчи ўрнида ишлай оладилар. Худди шундай Нукусдаги 6-ҲТБЮ қурилиш лицейига, Чимбой туманидаги 5-ҲТБЮ қишлоқ хўжалиги лицейига, Самарқанд вилоятида 36-ҲТБЮ электр-техника лицейига, 27-ҲТБЮ қишлоқ хўжалиги лицейига, Тошкент вилоятида 29-ҲТБЮ техника ва Тошкент шаҳрида 33-ҲТБЮ самолётсозлик лицейига айлантирилди.

1992-93 ўқув йилидан бошлаб республикамиздаги ҳунар-техника билим юртлари янги экспериментал ўқув режалари билан умумлаштирилган 2—3 мутахассислик бўйича ишчи кадрлар тайёрлашга киришдилар. Бизнинг фикримизча, бу янгилик корхоналар учун ҳам, ўқувчилар учун ҳам анча қулайлик туғдиради. Ҳозирги кунда республика ўқув-услубиёт маркази ва вазирлик ходимлари томонидан қўшма касблар мутахассиси тайёрлаш учун 200 га яқин тажриба-ўқув режаси кўриб чиқилди ва синаб кўришга рухсат берилди.

Қишлоқ хўжалик ходимлари қурултойида республикамиз Президенти Ислом Каримов қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида керак бўлмаган трактор ҳайдовчиларни кўплаб тайёрланаётганини танқид қилган эдилар. Биз танқиддан тўғри хулоса чиқариб, қишлоқ хўжалик вазирлиги ва бошқа вазирликлар билан келишган ҳолда 65 қишлоқ ҳунар-техника билим юртида озиқ-овқатни қайта ишлаш, енгил ва маҳаллий саноатлар учун малакали ишчилар тайёрлайдиган соҳага ўзгартирдик. Қолган қишлоқ ҳунар-техника билим юртларида малакали деҳқон, яъни қишлоқ хўжалик агротехникасини мукаммал билган «уста-пахтакор», «уста-боғбон», «уста-сабзавоткор», «уста-полизкор», «уста-чорвадор» ва бошқа шу каби касблар бўйича ишчилар тайёрлашни бошладик.

Тошкент вилоятидаги 12-ҲТБЮ, Наманган вилоятидаги 36-ҲТБЮ, Қашқадарёдаги 3-ҲТБЮ, Хоразмдаги 1-ҲТБЮларда тажрибавий режа ва дастурлар асосида 4—5 хил қишлоқ хўжалигига оид бўлган мутахассисликни ўз ичига олган тамоман янги касб — қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши фермерлари тайёрланаяпти. Қишлоқ ёшларида фермерлик касбига қизиқиш жуда катта. Фермерлик касбига имтиҳон топшириш орқали ўқишга қабул қилинади. Бу тажриба ўзининг дастлабки ижобий натижаларини бермоқда. 1995 йилга бориб бу йўналиш бўйича 30—35 та қишлоқ ҳунар-техника билим юрти фаолият кўрсатади.

— Туркия жумҳуриятидаги ҳунар-техника лицейларига Ўзбекистондан нечта бола жўнатилди? У ердаги ўқиш тартиби қай йўсинда амалга оширилади? Бирон-бир имтиёзи борми ёки фақат чет элда ўқияпти, деган гап учунми? Биздагидан нимаси билан фарқ қилади?

— Ўзбекистон жумҳурияти билан Туркия жумҳурияти ўртасида тузилган битимга асосан ҳунар-техника билим юрти ўқувчиларидан 300 нафари Туркиянинг ҳунар-техника лицейларига ўқишга юборилиши керак эди. Бу ишни амалга ошириш юзасидан республика халқ таълимида танлов комиссияси тузилди. Танлов ўтказиш низоми ишлаб чиқилди, Туркия билан келишилган ишчи касблар асосида минтақалар учун юборилиши лозим бўлган ўқувчилар тақсимоти белгиланди.

Номзодлар танловининг биринчи поғонаси ўқув муассасаларида ўтказилиб, педагогик жамоа йиғилишининг қарори ва ота-онасининг розилиги асосида энг яхши ўқувчилар орасидан номзодлар танланди. Танловнинг иккинчи — якуний поғонаси жойларда республика танлов комиссияси аъзолари иштирокида физика ва математика фанларидан тестлар ёрдамида имтиҳон ўтказиш йўли билан туғалланди. Имтиҳонларда таълим олиш мўлжалланган 14 касб бўйича 650 га яқин ўқувчи иштирок этди. Тестлар бўйича имтиҳон ўтказилаётган ҳар бир хонада ота-оналар жамоаси аъзолари ҳам қатнашдилар.

Шу куннинг ўзида тест натижалари ва танловда ғолиб деб топилган номзодларнинг исм-шарифлари минтақалар учун ажратилган тақсимотлар бўйича эълон қилинди ва расмийлаштирилди. 225 кишидан иборат биринчи гуруҳ 29 август куни Анқара шаҳридаги тил ўрганиш марказига юборилди.

Яна 75 кишидан иборат гуруҳ Туркия республикасига жўнатилди. Олдин борганлар ҳам, кейин юборилганлар ҳам ўқишни 15 октябрдан бошладилар. Туркияда янги ўқув шу кундан бошланади. Биздан борган ўқувчиларнинг моддий таъминотини Туркия ҳукумати ўз бўйнига олади. Бутун ўқиш давомида ўқувчиларимиз кийим-кечак, озиқ-овқат билан таъминланадилар, зарур ҳаражатлари учун нафақа ҳам оладилар. Ўқувчиларимиз Туркияда ишлаётган ғарб давлатларининг энг янги технологияси билан танишадилар.

— Бундан буён ҳунар-техника билим юртларига оқим кучаяди. Битирувчиларнинг тақдирига ким жавоб беради?

— Бундан буён билим юртларида ҳунар бериш ишлари режали равишда олиб борилади, янги турдаги ўқув юртлари сони кўпайтирилади, уларнинг моддий базаси мустаҳкамланади. Ўқувчилар билими кучайтирилади. Битирувчилар тақдирига келсак, ҳар бир инсон тақдири ўз қўлида. Ҳунар-техника билим юртининг вазифаси — ўқувчиларга касб-кор бериб, қўлидан иш келадиган қилиб ҳаётга йўлланма бериш.

— Қадимдан халқ орасида устоз-шогирдлик анъанаси давом этиб келган. Ҳозирги кунда ҳам катта тажрибага эга бўлган, ҳунарманд усталаримиз оз эмас. Фақат уларнинг фалон билим даргоҳини битирган деган ҳужжати йўқ. Ҳунар-техника билим юртларига халқ усталари ҳам ишга қабул қилинадими? Қабул қилинганида уларнинг иш ҳақи қандай бўлади?

— Турғунлик даврида биз авлоддан-авлодга ўтиб келаётган миллий халқ ҳунармандчилигини йўқотдик. Ҳунармандчилик қилишни «меҳнатсиз даромад» деб тақиқлаб қўйдик. Ҳатто таъқиб қилган ҳолларимиз ҳам бўлди. Ҳунар-техника билим юртларида эса ўқувчиларга ҳунар ўрганадиган ишлаб чиқариш таълими усталарига фақат дипломли мутахассис ишласин деган талаб қўйилди. Бунинг оқибатида билим юртидаги ўз ҳунарининг «профессори» бўлган дипломсиз, лекин қўли гул усталар қувиб чиқарилиб, ўрнига ишлаб чиқаришни ва ҳунарни билмайдиган дипломли мутахассислар қабул қилинди. Ҳозирги кунда қийинчилик билан бу хатони тузатаяпмиз. Миллий ҳунармандчиликни қайта тиклаш устида иш олиб боряпмиз. Шунинг учун билим юртларига дипломи йўқ бўлсаям қўли гул усталарни жалб қилиб, уларга дипломли ёш усталарни шогирд қилиб бириктириб қўямиз. Халқ усталарининг ойлиги дипломли мутахассисларникидан кам бўлмайди.

— Бизда ўқимишлилар, тўғрироғи, дипломлилар жуда кўп. Ҳозирги кунда сув сотувчиларнинг ҳам дипломи бор. Натижада шу даражага етибмизки, айниқса, мустақил бўлганимиздан кейин бу жуда аниқ сезилиб қолди, республикамиздаги завод, фабрикаларда миллий техник кадрлар сони жуда кам. Ҳунарни улуғлаган халқ нега бу аҳволга тушиб қолди. Устозлар бошқа юртдан, қора иш қилувчилар биздан бўлди. Сизнингча, бунинг бош сабаби нимада?

— Республикамиздаги машинасозлик корхоналарида маҳаллий миллат кадрлари жуда кам. Бунинг сабаблари кўп. Лекин асосий сабаблардан бири — маҳаллий миллат ёшларидан ишчи кадрлар тайёрлашга аҳамият берилмаганидадир. Осон йўл билан бориб, Россиядан тайёр кадрларни олиб келинарди. Шунинг оқибатида асосий касб бўйича ишчилар, техник ва инженерларнинг аксарияти ерли халқдан эмас. Қора иш қилувчиларнинг кўпчилиги эса маҳаллий миллат вакиллари. Бундан ташқари, ўқув режа ва дастурлари ҳамда асосий дарсликлар рус тилида эди. Мана энди бу хатоларни аста-секин тузатяпмиз.

— Бозор иқтисодиётига қараб борар эканмиз, ўзўзидан қийинчиликлар юзага қалқиб чиқмоқда. Мустақил бўлганимизга бир йилдан салгина ошди. Талабларимиз катта. Яратамиз дейиш ўрнига берасан, топасанга куч бераяпмиз. Одмироқ қилиб айтганда, халқ истеъмол моллари ишлаб чиқарувчидан кўра боқимандалар кўпайди. Ана шундай бир пайтда ҳунар-техника билим юртлари талабаларига қандай шароитлар яратилди?

— Янги шароитга ўтиш давридаги юзага келган қийинчиликлар ҳунар-техника билим юртларини ҳам анча қийин аҳволга тушуриб қўйди. Айниқса, — иқтисодий узилишлар ва моддий таъминотнинг марказлашган тизимининг бузилиши. Лекин бу қийинчиликларга қарамасдан кўпчилик билим юртларимиз педагогик жамоалари «олма пиш, оғзимга туш» деб ўтиргани йўқ. Қайтанга бор имкониятдан тўғри фойдаланиб, кўплаб миқдорда халқ истеъмол буюмлари ишлаб чиқармоқдалар. 1992 йилнинг 6 ой мобайнида билим юртларида 30 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Шу жумладан, 20,4 млн. сўмлик кийим-кечак, 2,4 млн. сўмлик уй-жой, 2,5 млн. сўмлик халқ истеъмол буюмлари. Келажакда ҳунар-техника билим юртларида ишлаб чиқаришни янада яхшироқ йўлга қўйиш мўлжалланмоқда.

— Хайриддин ФАТХУДДИНОВИЧ, бундан кейин ҳунар-техника билим юртларида ўқишга катта эътибор бериладими ёинки амалиётга?

— Ҳунар-техника билим юртларида назарий билим беришга ҳам, амалиётга ҳам катта аҳамият берилади. Чунки буларни ажратиб эмас, балки бир-бирига боғлаб олиб бормоқ лозим.

— Сўнгги савол. Узоқ йиллар ҳар бир мактабга фалон ҳунар-техника билим юртига шунча ўқувчи юборасан, деб мажбурий солиқ солинарди. Энди бу соҳадаги таълим-тарбия тўла нхтиёрий бўлишига ишонасизми? Бу турдаги ўқув юртларига талаб кучаядими. Имтиҳон билан қабул қилинадиган кунлар келиши яқинми?

— Турғунлик йилларида билим юртларига қабулни давлат режа қўмитаси режалаштириб вазирликка юборарди. Жойлардаги ишчи кадрларга бўлган эҳтиёжни эътиборга олинмасдан, ҳар йили бажарилган режага нисбатан бир неча фоиз қўшимча қилиб бериларди. Шунинг учун билим юртларига мажбурий равишда ўқувчилар юборилар эди.

Ҳозир қабул режасини билим юрти корхоналар билан шартнома асосида ўзи тузади. Қабулда ҳам ўқувчиларнинг мажбур қилишга чек қўйилган. Кейинги 2—3 йилдан бери айрим билим юртларига талабалар конкурс асосида қабул қилина бошланди. Келажакда ҳунар-техника билим юртларида ва техник лицейларда қабул танлов орқали бажарилади. Хоҳиш ва билим уйғунлашганда комил инсон яралади.

— Мароқли суҳбатингиз учун ташаккур!

Суҳбатдош
Сафар БАРНОЕВ.

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ УМУМТАЪЛИМ МАКТАБЛАРИДА МУСИҚА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ КОНЦЕПЦИЯСИ

I. ЎЗБЕКИСТОНДА МУСИҚА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИНГ МИЛЛИЙ АСОСЛАРИ. МАКТАБЛАРДАГИ МУСИҚА ЎҚИТИШНИНГ ҲОЗИРГИ АҲВОЛИ ВА УНИ ҚАЙТА ҚУРИШ МУАММОЛАРИ

Ўзбек мусиқа маданияти қадимий ва бой меросга эга. Унинг мазмунида халқимизнинг миллий руҳияти, олий инсоний фазилатлари, бадиий маънавияти, истиқлол ва мустақиллик учун кураши ҳамда орзу-умидлари ёрқин ифодасини топади. Шунингдек, ўзбек мусиқаси таълим-тарбияси услубиётига доир мукаммал мактаблар шаклланган.

Миллий анъанавий мусиқа педагогикасида қуйидаги мусиқа таълим-тарбияси услубиётлари мавжуд:

1. Оммавий халқ мусиқа педагогикаси. Бу халқнинг кундалик ҳаётида, оилавий маросим, меҳнат жараёни ва бошқаларда табиий равишда ва беихтиёр амалга ошириб борилади. Тўй-ҳашамларда, байрамларда, оммавий ҳашарларда, таъзияларда мусиқанинг оммавий жанрлари якка ва жамоавий тарзда ижро этилади ва шу жараёнда янги куй ва қўшиқлар вужудга келади. Бу жараён халқнинг бадиий-мусиқий ривожида, мусиқа маросимимизни бойитишда, айниқса, ёш авлодни ахлоқий-бадиий тарбиялашда бебаҳо омил ҳисобланади.

2. Касбий мусиқа таълими услубиёти мукаммал мактабга эга. Унинг амалиётида таълимнинг илмийлиги, давомийлиги ва изчиллиги мантиқан боғланган. Таълим мазмуни касб фазилати ва нафосати ҳамда шарқона ахлоқий тарбия туфайли бойдир. Бунда устоз-шогирд амалиётида устознинг ихтисосий мукаммаллиги, айниқса, моҳир ижрочилиги ва маънавий бойлиги муҳим роль ўйнайди. Ёш санъаткорлар йиллар давомида мусиқани назарий ва амалий мукаммал ўргангандан сўнггина халқ хизматига бел боғлашга устозлар оқ фотиҳасини олганлар. Касбий мусиқа устозлигида моҳир ашулачилар, чолғучилар, ҳалфалар, достонхонлар ва мақомчилар етишиб чиқади. Айни ҳолда уларнинг кўпчилиги бастакорлик илмидан ҳам сабоқ олиб, мусиқа меросимизни бойитиб келмоқдалар.

Халқ ва касбий мусиқа педагогикаси амалан ўзаро боғлиқ бўлиб, бир-бирини бойитувчидир.

3. Миллий мусулмон мактаблари ва мадрасаларида мусиқа фалсафа, илоҳиёт ва адабиёт таълими билан уйғун тарзда боғланиб ўқитилади. Бу кўпроқ савод чиқариш ва Қуръони Карим сураларини қироат қилиш жараёнида якка, гуруҳли ва жамоавий (хор) тарзда талаффуз ифодалилиги ва мусиқийоҳангдорлиги (аниқ-бурролиги, мантиқийлиги, товуш ҳосил қилиш ва овоз маромлари, нафас тартиблари в. б.) устида муайян усулларни қўллаб иш олиб борилади.

Адабиёт фанини ўқитилиши ҳам санъат сифатида азалдан мусиқа билан узвий боғланган. Бунда шеърият ва мусиқа вазнлари аруз ўлчовлари асосида муштарак ўрганилган. Шу боис кўпчилик адиблар ва олимлар мусиқа илмининг ривожига салмоқли улуш қўшганлар.

Мадрасалардаги ўзига хос бадиий таълим мусиқа меросимизнинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатган. Бу кўпроқ сўфийлар таълимоти таъсирида мақомлар ҳамда дарвишлар, зикрчилар ва қаландарчиликнинг мусиқий-бадиий мазмунида фалсафий ғояларнинг ривожланиши учун муҳим роль ўйнаган.

Шўро даврида Ўзбекистон мактабларида мусиқа санъати фан сифатида ўқитилаётганлиги ижобий ҳол бўлди, албатта. Бунда муайян тажрибаларга, махсус кадрлар тайёрлашга эришилди. Аммо, ҳали у бугунги маданийлашган даражада ёш авлоднинг мусиқа маданиятини таркиб топтиришга етарлича қодир бўлмаётир. Бунга қуйидаги муаммолар:

— бугунги мусиқа ўқитиш назариёти ва амалиёти, мазмуни ва услубиёти тор коммунистик ғоявийлик қолипидаги Русия мактаблари дастурлари ва ўқитиш услубиётига асосланганлиги, миллий мусиқа педагогикаси билан узвий боғланмаганлиги;

— мусиқа предметига иккинчи даражали фан сифатида қаралиб, унга оз ўқув соати ажратилганлиги, зарурий шарт-шароитлар яратилмаганлиги ҳамда услубий ва моддий таъминотнинг заифлиги;

— мусиқадан иқтидори ва иқтидори чекланган болаларнинг бир қолип, бир шароитда ўқитилиши, қобилиятли болалар ва ўқувчилар иқтидорини ривожлантириш учун боғча ва мактабларда зарурий шарт-шароитлар яратилмганлиги, қобилиятли болалар учун турли типдаги махсус мусиқа ва санъат мактабларининг камлиги;

— болалар мусиқа фольклори деярли тадқиқ этилмаганлиги, тўпланмаганлиги ҳамда нашр этилмаганлиги; миллий болалар чолғу асбоблари яратилмаганлиги;

— композиторлар ва бастакорларимиз асосан болалар қўшиқлари яратиш билан кифояланиб, кичик ва сюжетли чолғу ҳамда мусиқа саҳна асарлари эса деярли яратилмаётганлиги;

— боғчага қатнамаётган болалар (61,5 фоиз) мактабга мусиқий-бадиий тайёрланмаётганлиги;

— мусиқадан кам ва сифатсиз ўқитувчи кадрлар тайёрланаётганлиги, уларнинг умумий ва миллий мусиқадан назарий ва амалий билим-малакаларининг саёзлиги ва бошқалар сабаб бўлмоқда.

Юқоридагиларнинг ҳар бири бугунги кунда долзарб муаммоларга айланди. Бу инқирозли аҳволдан чиқишнинг ягона ва тўғри йўли мусиқа таълим-тарбиясини миллий-маданий анъаналар асосида қайта қуришдан, мактабларнинг моддий-услубий таъминотини яхшилашдан ва ихтисосли кадрлар билан таъминлашдан иборатдир, токи мусиқа таълим-тарбияси «миллатни олий мақсадга чорловчи, унинг вакилларида келажакка ишонч туйғусини уйғотувчи, яратувчилик ва бунёдкорлик фаолиятига кўмаклашувчи олий мақсади — маънавий маданияти»[1]мизнинг юксалишига муносиб ҳисса қўша олсин.

II. МУСИҚА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИНГ МАҚСАДИ ВА ВАЗИФАСИ

Мусиқа таълим-тарбиясининг мақсади ёш авлодни миллий мусиқа меросимизга ворислик қила оладиган ҳамда умумбашарий мусиқа боғлигини идрок эта оладиган ва қадрлайдиган маданиятли инсон даражасида вояга етказишдан иборатдир. Бунинг учун ҳар бир ўқувчининг мусиқий иқтидорини ривожлантириб, мусиқа санъатига меҳр ва иштиёқини ошириш, мусиқадан зарурий билим ва амалий малакалар доирасини таркиб топтириш; иқтидорли ўқувчиларнинг мусиқий ривожланишлари учун зарурий шарт-шароитлар яратиб бериш мактаб мусиқа таълим-тарбиясининг асосий вазифасидир.

Мазкур олий мақсад ва вазифани амалга оширишда «Мусиқа» фанига ижтимоий ривожлантирувчи омил сифатида қараш, муаммоларни ҳал этишда кенг ўқитувчилар ижодкорлигига таяниш, мусиқа ўқитиш услубиётини ҳар томонлама илмий-методик изланиш натижалари ва илғор тажрибалар асосида такомиллаштириш асосий вазифа ҳисобланади.

III. МУСИҚА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИ МАЗМУНИ, ТУЗИЛИШИ ВА ТАБАҚАЛАНИШИ

Мусиқа сабоғи тарбияловчи, шахснинг бадиий тафаккурини шакллантирувчи таълим сифатида муҳимдир. Унинг воситасида нафосат ҳиссиётларини тарбиялаш билан бирга ёш авлодда олий инсоний фазилатларни таркиб топтириш назарда тутилади. Бунда миллий ва умумбашарий мусиқа таълимшунослиги ҳамда ўқитиш услубиётига таяниш лозим бўлади. Мусиқа таълим ва тарбияси мазмунида эса миллий мусиқа меросимиз асосий ўрин эгаллайди. Миллий мусиқамиз қонуниятларига қиёслаб қардош халқлар ва умумбашарий мусиқа маданияти билан танишиш, яъни «таълимда умуминсоний ва миллий-маданий қадриятларнинг устиворлиги»га амал қилиш[2] мусиқа ўқитишнинг муҳим дидактик йўналиши ҳисобланади.

Таълим жараёни икки шаклда — дарс ва синфдан (шунингдек, мактабдан) ташқари мусиқий машғулотлар тарзида амалга оширилади. Ўқитишнинг асосий ва барча ўқувчилар учун зарурий шакли мусиқа дарсларидир. Шу боис дарс тузилишлари ва ўқитиш усулларининг хилма-хил шакл ва турларини қўллаш ва тажриба жараёнида дарснинг янги тузилма ва усулларини кашф этиш долзарб масала бўлиб туради. Бунда миллий ва Шарқ мусиқа таълимшунослигини ўрганиш ва ундан унумли фойдаланиш муҳим омил ҳисобланади.

Мусиқа таълими назариёти ва амалиёти илғор тажрибаларга таянади, унинг мазмуни мусиқа санъатининг умумий қонуниятларига таянган ва мусиқий-мавзувий тизим асосида ишлаб чиқилган дастурлар асосида амалга оширилади. Унда таълим-тарбия уйғунлигига амал қилинади ва мактаб битирувчиларининг, барча фанлар қатори мусиқа санъати соҳасида ҳам маданий ҳаёт учун зарур бўладиган умумий билим ва малакаларга эга бўлишлари кўзда тутилади.

Мусиқа таълим-тарбияси мазмуни қуйидагича таркиб топади:

1. Бошланғич мактаб (1 — 4-синфлар). Бошланғич мактабда ўқувчи мусиқа маданиятининг асосий пойдевори шаклланади. Аммо «Мактабгача тарбия инсон шахси шаклланишининг муҳим, масъулиятли даври сифатида мустақил аҳамият касб этади, чунки у бошланғич таълимнинг тайёргарлик босқичидир»[1]. Шу боис болалар боғчаларига қатнамайдиган болалар учун давлат, аралаш (қисман пулли) ҳамда хусусий (пулли) шакладги мусиқий-бадиий тайёрлов гуруҳларини очиш (санъат, нутқ, ахлоқ, табиатшунослик, ҳисоб ўқитиш)га эътибор кучайтирилади.

Бошланғич мактаб мусиқа дарсларида болларнинг ақлий ривожланишлари меъёрига мос оддий мусиқий билим, тушунча ва малакалар таркиб топтирилади.

Мусиқани тинглаш, ашула айтиш, рақс тушиш, оддий чолғуларда чалиш орқали бадиий идрок этиш, мусиқадан олган таассуротлари ва билганлари ҳақида гапириб бериш, асарни бадиий баҳолаш, мусиқа ижодкорлиги малака-кўникмаларини ривожлантириш амалиётлари воситасида ўқувчиларда мусиқага ҳавас ва бадиий эҳтиёж уйғотилади.

Таълим жараёнида ўқувчилар қуйидагилар ҳақида билим-малакаларга эга бўладилар:

болалар куй ва қўшиқлари, мусиқали ўйинлар, рақс ва қўшиқлар; хушнаво миллий чолғуларимиз (1-синф);

якканавозлик; чолғу дастаси; куй нима? куйнинг ифода тили (2-синф);

чолғу турлари (чолғулар базми); куй ва усул; темп; куйнинг такрорланиши; унинг ўзгармас ва ўзгарувчан қайтарилиши; банд ва нақорат (3-синф);

ўзбек халқ мусиқаси; оммавий халқ қўшиқ жанрлари (алла, ялла, лапар, терма, қўшиқ, айтим) ва оммавий куйлар; ўзбек касбий мусиқаси (ашула, катта ашула); композиторлик мусиқа ижоди ҳақида тушунча; халқ мусиқаси композиторлар ижодида (4-синф).

Мавзу мазмунидаги амалий машғулотлар жараёнида нота ёзуви оддий куйлар тузилиши мисолида ўрганилади, нотага қараб куйлашнинг дастлабки малакалари ҳосил этилади.

2. Таянч мактаб (5 — 9-синфлар). 5—9-синфларда миллий мусиқа меросига кенг ўрин берилади, унга қиёслаб умумбашарий мусиқа бойлигидан нодир намуналар ўрганилади.

Мусиқа санъати ҳақида умумлашма илмий ва бадиий билим ҳосил этилади, хонандалик малака ва кўникмалари ривожлантирилади.

Мусиқий-бадиий дид ва мусиқий тафаккур равнақ топади. Мусиқавий дид шаклланишига эркинлик берилади, мусиқа ва мусиқий асарлар ҳақида ўз нуқтаи назарини баён этиш малакалари ривожлантирилади.

Мусиқа санъатини мустақил ўрганиш ва мақбул жанрларини амалий фаолиятда ўрганишга шароит яратилади.

Таълим жараёнида ўқувчилар қуйидагилар ҳақида билим-малакаларга эга бўладилар:

Ўзбек мусиқасида маҳаллий услублар. Сурхон — Қашқадарё, Самарқанд — Бухоро, Фарғона — Тошкент ҳамда Хоразм вилоятлари мусиқа санъатида маҳаллий услублар (5-синф).

Ўзбек мақомлари. Бухоро — Самарқанд шашмақоми; Фарғона — Тошкент мақомлари; Хоразм мақомлари. Хоразмда халфачилик санъати. Анъанавий ўзбек саҳнавий мусиқаси (6-синф).

Ўзбек достонлари. Ўзбек мусиқасида бастакорлик ва композиторлик услублари. Ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри. Хор ва оркестр. Сюита, кантата. Симфоник оркестр. Драма мусиқаси. Ўзбек рақс санъати. Балет. Опера (7-синф).

Классик (мустанад) мусиқа. Ўзбек ва Шарқ классик мусиқаси. Ғарб ва рус классик мусиқаси (8-синф).

Мусиқада замонавийлик ва замонавий мусиқа. Жиддий ва енгил мусиқа. Эстрада, рок жанрлари. Кино мусиқаси. Мусиқа ва ҳаёт (9-синф).

Ўрганиладиган асарлар амалиётида нота саводининг бадиий-мусиқий фаолият учун зарур бўлган унсурлари ўрганилади. 5—9-синф ўқувчилари ёши ва бадиий эҳтиёжига мос тавсия этилган қўшиқлардан эркин танлаб ўрганилади, ўқувчиларнинг хонандалик малакалари ривожлантирилади.

Мусиқа дарслари мактабда тенг ҳуқуқли фан ҳисобланиб, ҳафтада икки соатдан ўқитилади, мактаб ўқув режалари ва дастурларига ёзма ишлар, зачёт ҳамда муқаррар ва ихтиёрий имтиҳонлар жорий этилади.

3. Ўрта мактаб (10—11-синфлар). Ўқувчиларнинг барча санъат турлари (адабиёт, мусиқа, тасвирий, санъат, халқ амалий санъати, театр, кино, хореография ва рақс, цирк, архитектура фото санъати в. б.) дан олган билим ва малакалари жаҳон бадиий маданияти фани мазмунида мужассамланади, миллий ва умумбашарий санъат ва маданият меросини умуминсоний бадиий қонуниятлари асосида идрок этиш асосий мақсад қилиб қўйилади.

Иқтидорли ва иштиёқманд ўқувчилар бадиий эҳтиёжларига қараб факультатив дарслар, мусиқа тўгараклари ва бошқа машғулотларда бадиий ривожлантирилади. Ўқувчиларни мусиқий ривожлантириш, бадиий эҳтиёжини қондириш ва иқтидорли ўқувчиларни ижобий ривожлантириш йўлида табақалаштириб ўқитиш учун зарур имкониятлар яратилади.

Табақалаштириб ўқитишнинг қуйидаги шакллари ривожлантирилади: мусиқани чуқур ўрганувчи мактаб (синф)лар очилади; иқтидорли болалар учун ўқувчилар уйларида турли мусиқа тўгараклари ва студиялари ҳамда болалар мусиқа мактаблари тармоқлари кенгайтирилади; малакали мутахассис ва зарурий шарт-шароитлар мавжуд бўлган мактабларда чолғучилик, рақс, хонандалик ва бошқалардан гуруҳли ва якка дарслар, ота-оналар розилиги ва мактаб педагогика кенгаши қарори билан ярим пуллик ёки тўла пуллик якка ва гуруҳли мусиқа дарслари ташкил этилади.

Иқтидорли ўқувчилар бадиий эҳтиёжини қондириш йўлида изланишлар олиб борилади, бунда ривожланган мамлакатлар тажрибалари ўрганилади. Мусиқани муфассал ўрганадиган коллежлар ва лицейлар очилади, хусусий санъат мактаблари тармоқларини ривожлантиришга имкониятлар берилади.

Мусиқа ўқитишнинг барча шаклларига доир дастурлар илмий асосда ишлаб чиқилади ва унинг асосида янги дарсликлар, ўқув, методик ва кўргазмали қўлланмалар яратилади. Энг яхши дастурлар ва дарсликлар учун танловлар эълон қилинади.

IV. ҲОЗИРГИ ЗАМОН МУСИҚА ЎҚИТУВЧИСИ

Ҳозирги замон мусиқа ўқитувчиси юксак маданиятли, ўз касбига чексиз садоқат, илғор педагогик тафаккур эгаси бўлмоғи лозим. У ўзини узлуксиз касбий ва маданий ривожлантириш қобилиятига эга бўлиши шарт. У мусиқа, нафосат (эстетика), педагогика ва психология-физиология фанларидан, хусусан, мусиқа ўқитиш услубиётидан комплекс тарзда чуқур билим ва малакалар эгаси бўлмоғи даркор. Айниқса, мусиқа ўқитувчиси ихтисосида зарур меъёрда чолғучилик, хонандалик, хор дирижёрлиги ва мусиқа назариётчилиги сифатлари мужассам бўлмоғи лозим. У миллий мусиқа ҳамда ўзбек адабий тилини мукаммал билмоғи, умумбашарий мусиқа маданиятидан, кундалик мусиқий-маданий ҳаётдан воқиф бўлиши шарт. Мусиқа ўқитувчиси педагогик мулоқот устаси бўлиши, ҳар қандай вазиятда ҳам педагогик таъсир усулларидан унумли фойдаланиш қобилиятига эга бўлмоғи лозим.

Ҳозирги мусиқа ўқитувчиси илмий тафаккур эгаси, илғор тажрибалар шайдоси, изланувчан ва ижодкор бўлиб, мусиқа ўқитишнинг янги шакл ва усулларини кашф этишга интилмоғи лозим. У мусиқа таълим-тарбияси мазмунини бошқа фанлар мазмуни ва кундалик ҳаёт билан боғлаб, бойитиб олиб бориши даркор.

Изланувчан ва ижодкор ўқитувчининг илғор тажрибаси ва кашф этган янги усуллари мактабдаги мусиқа таълим-тарбиясини доимий равишда такомиллаштириб ривожлантиришнинг асосий таянчи ва илҳом манбаидир. Билимдон ва тажрибакор мусиқа ўқитувчиси санъат зиёлиси сифатида мактабда мусиқий-маърифий ишларнинг саркоридир.

V. МУСИҚА ТАЪЛИМ-ТАРБИЯСИНИНГ ИЛМИЙ-УСЛУБИЙ ТАЪМИНЛАНИШИ

Умумий ўрта таълим мактабларида мусиқа таълими ва тарбияси мазмуни ва услубиёти миллий мусиқа бойлигимиз ва маданий анъаналаримизга таянган ҳолда қайта ишлаб чиқилади. Бунда қардош ва жаҳон халқларининг бу соҳадаги илғор тажрибалари ҳисобга олинади. Шу асосда янги ўқув дастурларининг хилма-хиллигига эришилади. Ўқитувчининг ижодкорлигига ва изланувчанлигига кенг имконият яратилади. Уларнинг тажрибаларига таяниб, янги дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмалар яратилади. Бу ишга билимдон олимлар ва тажрибакор мусиқа муаллимлари кенг жалб этилади. Биринчи навбатда илмий-тадқиқот ишларини кучайтириш, бугунги илмий ишлардаги сунъийлик, илмий саёзлик, кўчирмачилик ва амалиётдан узоқлигига барҳам бериш чоралари кўрилади. Бунинг учун илмий-педагогик тадқиқот ишларига кўпроқ тажрибакор амалиётчи ўқитувчилар жалб этилади. Кенг синов амалиётларидан ҳосил бўлган пухта назариёт асосидагина методик тавсиялар ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Тадқиқотга бел боғлаган ҳар бир ёш олимга ҳар жиҳатдан мадад берилади, кундузги ва сиртқи аспирантурага киришга имконият яратилади, эркин изланувчан тадқиқотчилар учун шарт-шароитлар яратилади. Диссертация ҳимоялари учун мусиқа ўқитиш методикаси ва педагогикаси назарияси бўйича ихтисослашган илмий кенгаш таъсис этилади. Илмий тадқиқотлар натижаларини мактаб амалиётига жорий этишнинг барча чоралари кўрилади. Бунинг учун матбуот ва нашр ишлари кучайтирилади, мунтазам равишда илмий-амалий конференциялар ўтказилади, бадиий таълим бўйича махсус ойнома таъсис этилади. Энг долзарб ва қимматли тадқиқотлар мукофотга тақдим этилади. Мазкур ишларни амалга ошириш учун жумҳурият илмий-методик маркази вужудга келтирилади. Унда комплекс тадқиқот ишларини ташкил этиб, умумий мусиқа таълим-тарбияси мазмунининг оила, боғча, мактаб, ўрта махсус ва олий таълимгача ягона тизими ишлаб чиқилади.

Тайёрланаётган ўқитувчи кадрларнинг ихтисосий сифатини яхшилаш ҳамда ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш курслари таълим мазмуни ва услубиётини такомиллаштириш бўйича мукаммал ўқув режалари, дастур, дарслик ва қўлланмалар яратилади.

Мактабда бой мусиқий-бадиий муҳитни яратишда мактаб педагогик жамоаси санъат маданияти савиясини ошириши зарурдир. Шу мақсадда мактабда бадиий дорилфунунлар очиб, санъат ўқитувчилари саркорлигида мактаб педагогик жамоаси бадиий савиялари оширилади, уларнинг мактаб бадиий-мусиқий ҳаётга амалий иштироклари фаоллаштирилади, санъат фанларининг бошқа фанлар билан узвий алоқадорлиги кучайтирилади.

Илмий-педагогик тадқиқотларга Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти етакчилик қилади ва тадқиқот ишларининг тегишли илмий марказлар ва ижодий уюшмалар билан ҳамкорлиги мувофиқлаштирилади.

●

Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институти мусиқий-бадиий таълим бўлими катта илмий ходими, Ўзбекистон Республикаси мусиқа муаллимлари ижодий уюшмаси президенти, доцент Д. Омонуллаев тайёрлаган мазкур концепция ҳақидаги фикр ва мулоҳазалар, таклиф ва истакларингизни қуйидаги манзилгоҳга юборишингизни сўраймиз: 700003, Тошкент, Олмазор кўчаси, 174-уй, ЎзПФИТИ мусиқий-бадиий таълим бўлими. Тел. 45-54-61.

1 Ўзбекистон умумий ўрта таълим концепцияси. «Маърифат», 1991 й. 12 ноябрь.

2 Ўзбекистон Республикасининг таълим ҳақидаги Қонуни. «Маърифат», 1992 й. 25 июль.

1. Ўзбекистон умумий ўрта таълим концепцияси. «Халқ таълими», 1992, № 2.

Газетхон ва биз

ЯНГИЛАНИШГА ДАЪВАТ

тажриба ва усулларни, тажрибакор муаллимлар дастурий йўриқларини ёритиб бориш зарурат эканлигини айтиб ўтишди.

«Маърифат» ўз муштарийларига қандай наф бераяпти? Унинг саҳифаларида қайси хилдаги мавзуларни кенгроқ ёритиш керак? Газета таҳририяти ҳайъати аъзолари билан А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида таҳсил кўраётган тингловчилар бу сафарги очиқ мулоқотда ана шу хусусда қизғин баҳс юритдилар.

— Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида матбуотга обуна нархи ошган бўлишига қарамасдан, «Маърифат»га кўпчилик 1993 йил учун ҳеч бир иккиланмасдан обуна бўлди, — деди Жиззах районидаги 32-мактаб ўқитувчиси С. Усмонов. — Бунинг боиси шундаки, севимли газетамиз, айниқса, педагог-тарбиячиларнинг янгича фикрлаши, ижодий изланиши учун муҳим манбадир. У ҳозир ўз ўтмишдоши «Ўқитувчилар газетаси»га қараганда, тубдан ўзгарган. Бундан 3—4 йил бурун газета материалларининг аксарияти «ундай қилиш лозим, бундай қилиш лозим» сингари кўрсатмалардан ва тафсилотлардан иборат бўлган бўлса, бугунги кундаги мақолаларда халқ таълимининг муаммолари, ўқитувчиларнинг ижтимоий ҳаёт тарзи масалалари, таълим тизимидаги ва ўқитиш жараёнидаги янгиликлар таҳлилий кўрсатилиб, хулоса чиқариб олиш муштарийлар ихтиёрига ҳавола қилинмоқда.

«Маърифат»да ёритилаётган расмий материаллар (концепциялар, низомлар, тавсиялар ва бошқалар)дан тортиб «Янгилаш даври, янгиланиш даври», «Долзарб мавзу», «Етилган муаммолар ҳақида мактублар» сингари рукнлар остида берилаётган мақолалар, илғор тажрибалар хусусидаги очеркларгача — ҳамма-ҳаммаси кишини мушоҳада юритишга чорлайди. Ислом тарихи, халқ педагогикаси, одоб-ахлоққа доир материаллар ҳам ўқитувчилар таълим-тарбия ишида фойдаланиши учун манбадир.

Шу билан бирга биз севимли газетамизда илмий мақолалар, бир қатор фанларни ўқитишдаги янгича ёндашувлар таҳлиллари, меҳнат таълими, миллий ҳунарларни ўргатиш муаммоларига оид материаллар изчил бериб борилишини истардик. Менимча, жаҳон воқеалари, таълим соҳаси янгиликларига ҳам эътиборни қаратиш керак. Бу халқ таълими ходимлари дунёқарашини шакллантиришга ҳам маълум даражада ёрдам беради деб ўйлайман.

«Очиқ мулоқот» учрашувини кириш сўзи билан очган институт проректори А. Акмалов, Наманган вилояти Чортоқ шаҳридаги 9-мактаб директори Н. Эргашев, Сурхондарё вилояти Бойсун районидаги 35-мактаб ўқитувчиси Х. Эрмаматов ва бошқалар «Маърифат»нинг мухлислари кўпайиб бораётганлигини, унинг саҳифаларида ранг-баранг материаллар берилиши кўп жиҳатдан педагогларга нафи тегаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар.

Фарғоналик зиёкор М. Аҳмадалиев ўз сўзини газета саҳифасида тарбиявий ишларнинг ёритилиши масалаларига бағишлади. У «Маърифат» мактабдан ташқари муассасалар муаммоларини ёритишда оқсаётганлигини танқид қилиб, бу соҳадаги масалаларни дадил кўтариб чиқиш керак-лигини, айниқса, Қўқон, Фарғона, Самарқанд, Тошкент ва Сурхондарёдаги тажрибаларни таҳлил қилиб ёритиш, бозор иқтисоди шароитида қишлоқ районларидаги мактабдан ташқари муассасалар ишини ташкил этишга оид муаммоларни ўртага ташлаш зарурлигини қайд этди.

— Ҳозир республикамиз мактабларида табақалаб ўқитишга ҳам катта эътибор қаратилаётир. Бу соҳада жойларда маълум тажрибалар ҳам тўпланди. Газета дастлаб бу мавзуда йирик-йирик материаллар берган бўлса-да, айни пайтда сусткашлик қилаётир. Ҳолбуки, тажрибаларни умумлаштирадиган, ютуқ ва нуқсонларни таҳлил этиб, аниқ йўналишларни белгилаб оладиган вақт келди, — деди Сирдарё вилояти Сайҳунобод район халқ таълими бўлими методисти Меҳмонали Маматов. — Бу борада тажрибакор муаллимлар, мутахассис-олимлар, халқ таълими раҳбарлик идоралари ходимлари мақолаларини бериш аниқ йўналишларни белгилаб олишга ёрдам берган бўлур эди. Ўйлаймизки, «Маърифат» мазкур мавзуни ёритишда яна изчиллик кўрсатиб, табақалаб ўқитишдаги етилган муаммоларни ҳал қилишда та-шаббускорлик кўрсатади.

Самарқанд вилояти Жомбой районидаги 32-мактаб муаллими К. Хисомиддинов, Жиззах вилояти Пахтакор районидаги 7-мактаб метод бирлашмаси методисти Б. Нурмуродов ва бошқалар бошланғич таълим концепцияси лойиҳасини газета ёритиб яхши иш қилганлигини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. Улар «Маърифат» ўз саҳифаларида таълимнинг таянч босқичига оид муаммоларни ҳал қилишга ёрдам берадиган методик материалларни, айниқса, кичик ёшдаги ўқувчиларга ўтиладиган одобахлоқ, ўлкашунослик сабоқларига кўмак берадиган

Шунингдек, сўзга чиққан муштарийлардан К. Худойбердиев (Тошлоқ райони), М. Ғаниева (Марғилон шаҳри), М. Матмусаев (Қувасой шаҳри) ва бошқалар газетада олий мактаб мавзуларини, методика янгиликлари ва олий тоифали ўқитувчилар иш тажрибаларини изчил ёритишни, шу билан биргаликда таълим-тарбия ишига ёрдам берадиган илмий хабарлар, янгиликлар, айниқса, бадиий асарларни изчил ёритиб боришни таклиф қилдилар.

«Очиқ мулоқот» учрашувида «Маърифат» газетаси бўлим мудири М. Раҳмонов, масъул котиб ўринбосари М. Қўчқоровлар қатнашдилар, таҳририят режалари ҳақида сўзлаб, муштарийларнинг бир қатор саволларига жавоб бердилар.

Ҳар сафаргидек бу очиқ мулоқот ҳам муштарийлар билан «Маърифат»нинг янада сирдош бўлишига, унинг саҳифаларида янги-янги мавзуларни ёритишга, халқ таълими соҳаларидаги муаммоларни кўтариб чиқишга ўзига хос бир туртки бўлади. Бундан эса ҳам газета, ҳам газетхон манфаат кўради, албатта.

Мухбирларимиз.

Раҳимжон УСМОНОВ

Ўзбекистон халқ таълими оғир жудоликка учради. Таниқли педагог, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи, профессор Раҳимжон Усмонов 1992 йил 22 ноябрь куни оғир хасталикдан сўнг вафот этди.

Раҳимжон Усмонов 1914 йилда Тошкент шаҳрида туғилди. У 1929 йилда педагогика техникумини битиргандан сўнг ўқитувчилик фаолиятини бошлади. Ўзбекистон Маориф министрлигининг тавсияси билан вилоятларда, Тошкент шаҳрида мактаб ва халқ маорифи ишларига раҳбарлик қилди.

Раҳимжон Усмонов Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтида директор бўлиб ишлади. 1964 йилдан бошлаб «Совет мактаби» журналига бош редакторлик қилди. Тошкент шаҳар халқ маорифи бўлимининг мудири, Глиэр номидаги музика интернатининг директори, Ўзбекистон Министрлар Советида фан, маданият, маориф ва олий таълим бўлимининг референти вазифасида ишлаб, республикамизда маориф ишларини ривожлантиришга катта ҳисса қўшди. 1971 йилдан бошлаб Тошкент давлат университетида педагогика кафедрасини бошқарди. 1985 йилдан умрининг охиригача Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигига қарашли Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида профессорлик лавозимида ишлади.

Раҳимжон Усмонов 50 дан ортиқ китоб ва дарсликлар ёзган, 150 дан ортиқ мақолаларни чоп эттирган, 9 та фан номзодининг илмий ишига раҳбарлик қилган.

Камтарин инсон, шогирдларининг ғамхўр ва меҳрибон устози Раҳимжон Усмоновнинг порлоқ хотираси республикамиз педагоглари, унинг шогирдлари, дўстлари қалбида сақланиб қолади.

Ж. Ғ. Йўлдошев, Ҳ. Қ. Йўлдошев, Х. Ф. Маъсудов, И. С. Санджонов, М. С. Султонов, Б. Ғ. Қодиров, М. М. Қурбонов, А. А. Акмалов, К. Д. Давлатов, Ғ. Б. Шоумаров.

Нафосат бўстони

Ўсиб келаётган ёш авлодни миллий руҳда тарбиялашда мусиқа дарсларининг аҳамияти ҳам каттадир. Шунинг учун ҳам бу фандан сабоқ берадиган ўқитувчилар, методистлар малакасини ошириш, уларни илғор тажрибалар билан таништириш муҳим аҳамият касб этади. Ана шу мақсадда А. Авлоний номидаги халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институтида турли вилоятлардан келган мусиқа кабинетлари раҳбарларининг бир гуруҳи ўз малакаларини оширмоқдалар.

Тингловчилар малакали мутахассислар маърузаларини эшитиш билан биргаликда амалий аҳамиятга молик тажрибалар билан ҳам танишишмоқда. Мактабларда миллий мусиқа дарсларини яхши йўлга қўйиш борасидаги кўпгина муаммоларнинг ҳал қилинишига молик тажрибалар, мусиқа хоналарини безаш, мусиқа дарсларини янги усулларда ўтиш уларнинг эътиборини жалб қилаётир.

Тингловчилар Ҳамза районидаги 55-мактабда ҳам бўлиб, мусиқа ўқитувчиси Фурқат Тоировнинг дарсларини кузатдилар. Шунингдек, улар шаҳар ўқитувчилар малакасини ошириш институти мусиқа хонаси раҳбари Норқул Ризаев суҳбатини тингладилар, хоналарни жиҳозлаш, мусиқа асбобларидан фойдаланиш, дарс сифатини ошириш хусусида баҳс юритдилар.

СУРАТЛАРДА: мусиқа сабоқларидан лавҳалар.

Суратқаш Х. МИРЗАКАРИМОВ.



У Ҳуросон ҳокими бўлиб, ҳарбий ҳукмдорлик йўлини тутди. Бу Абдужаъфарни ҳушёр торттирди. Абумуслимнинг ярим қарамлик ҳолати уни қўзғолонга бошласа керак, деб қўрқарди у. Абумуслим ҳаддидан оша бошлагани ҳам эҳтимолдан ҳоли эмасди. Абдужаъфар йўллаган номасида уни сотқинликда айблади. Абумуслим қўйилган айбни рад қилди, лекин текшириб кўрганларида, сири фош бўлди. Бироқ, уни ўз лавозимида қолдирдилар. Энди Абдужаъфар олдида иккита муаммо кўндаланг турарди. Али муридлари ўз ниятларидан қайтишмаган. Имом Ҳасаннинг Иброҳим ва Муҳаммад исмли иккита невараси Мадинада қўзғолон кўтардилар. Унга Ҳижоз ва Ироқ шиалари ҳам қўшилишди, лекин улар бостирилди. Ҳуросонда Абумуслим тарафдорлари бош кўтариб чиқишган эди. Абдужаъфар уларни ҳам яксон қилди. Ислом дунёсида бош бўлгач, у ал-Мансур (Музаффар) номини олиб, ўз маъмуриятини мустаҳкамлашга, қўшинларини самарали «муқаддас урушлар» олиб бориш учун шайлашга киришди.

Муқаддас урушлар. Ал-Мансур тахтга мингани ҳамоно Кичик Осиёда аббосийлар ва византияликларнинг алоҳида давлатлари ўртасида адоқсиз урушлар бошланиб кетди. Византияликлар ҳам, аббосийлар ҳам беихтиёр Кичик Осиё шарқий овруполиклар билан ғарбий осиёликлар учун асрлар бўйи анъанавий жанг майдони бўлиб келганига асосланиб амалий иш кўрдилар. Бу ерлар учун юнонлар билан форслар ҳам курашишди. Византияликлар ва сосонийлар эса шу минтақада икки йил олишдилар. Кейинроқ византияликлар ва аббосийлар бошқа ном остида, яъни насронийларнинг мусулмонларга қарши кураши шиори билан Шаркда ҳамда Ғарбда жангни давом эттирдилар. Мусулмонлар бир-бирларини бўғизлаётганликларини кўриб турган византияликлар ғанимат фурсатни бой бермай, чегара томон интилдилар. Бундай ҳолатга узоқ тоқат қилиб туролмаган ал-Мансур византияликларга қарши қўшин юборди. Шунгача насронийлар Арманистондаги Малатях қалъасини, Галициядаги Массишоҳни эгаллаб улгурган эдилар. Лекин мусулмонлар уларни орқага қайтаришга муваффақ бўлдилар. Шу билан аббосийларнинг қўшинлари ҳам йўлга чиқишди. Шимолга юборилган ҳарбий кучлар Кавказга кириб бориб, Табаристонни истило қилдилар. Каспий соҳили бўйлаб анча ичкарилаб бордилар. Шарқий қўшинлар Кандаҳорни забт этишгач, Ҳайбар довонигача етдилар. Бир неча йилдан кейин мусулмонлар ҳозирги Покистоннинг шимоли-ғарбий чегарасида жойлашган вилоятлар орқали Ҳиндистонга кириб боришди. Улар, ҳатто, Каспий водийсида ҳозир бўлдилар.

Бағдодга асос солиниши (762 йил). Ички рақибларини бостирган ал-Мансур бутун диққатини ташқи душманларига қаратди. Халифаликда осойишталик ва тартиб-интизом барқарор бўлди. Савдо-сотиқ авж олиб, хазина тўла бошлади. Энди бошқа нарсаларга ҳам эътибор берадиган вақт келганди. Ал-Мансур 762 йили Дажла дарёси соҳилида янги шаҳарга асос солиб, унга Бағдод номини берди. Юз минглаб усталар, бинокорлар, дурадгорлар, пардозчилар доира шаклидаги шу шаҳар қурилишида меҳнат қилдилар. Шаҳар уч қаторли қалъа деворлари билан ўралган бўлиб, марказида халифа саройи ва унинг қўшимча иморатлари жойлашди. Улар устида қабулхона (девони омм)нинг баландлиги 130 фут бўлган гумбази бўй чўзганди. Бағдод жуда катта шаҳарга айланиб, 500 йил мобайнида Шарқнинг маданий маркази сифатида савлат тўкиб турди.

Бармоқийлар. Тўртала халифа ҳукмронлик қилган даврда маълум хизмати сингган оила Мансур тахтда эканлигида ҳокимият тепасига чиқди. Бу Ҳолид ибн Бармоқ бошчилигидаги бармоқийлар оиласи эди. Ҳолид вазирликка тайинланди, унинг авлодлари ҳам навбатдаги халифалар саройида шундай лавозимларни эгаллаб турдилар. Оила аъзоларининг барчаси истеъдодли кишилар бўлганлигидан секин-аста жуда бадавлат ва қудратли арбоблар бўлиб етишдилар. Улар адабиёт ва санъатнинг катта ҳомийлари бўлишлари билан бирга кўзга кўринган зоҳидлар сифатида ҳам машҳур эдилар. Буюк Хорун ар-Рашиднинг вазири бўлган Жаъфар ал-Бармоқий араб кечаларига бағишланган эртакларда улуғ шахс сифатида тасвирланган.

Бидъатчилик. Ал-Мансур ҳукмронлиги шу даврдаги юзага келган кўплаб бидъатлар билан ҳам диққатга сазовордир. Қадимий ва теран илдизларга эга бўлган бу диний ҳаракатлар Исломгача бўлган даврдаги бидъатчилик ибодатларига бориб тақаларди. 776 йили Абумуслимнинг давомчиси буюк доҳий сифатида майдонга чиқди. Юзига ниқоб кийганлигидан ал-Муқанна ёки «ниқобланган» номига эга бўлган бу киши Ҳуросон вилоятини босиб олгач, маҳаллий исёнчиларнинг арабларга қарши ҳаракатига бош бўлди. Эрон шимолида хорижийлар кўтарилиши юз берди. Журжонда Маздакнинг маслакдошлари — маздакийлар уйғонаётганликларидан далолат бераради. Исломга қарши мазмунга ҳам эга бўлган бу ҳаракатлар ал-Мансур томонидан шафқатсизларча бостирилди.

Ал-Мансур — империя асосчиси. Ал-Мансур 21 йил подшоҳлик қилиб, 775 йили вафот этди. Унинг феъл-атворида нохуш жиҳатлар ҳам оз эмасди: у қўпол ва кекчи, шунингдек, кучли иродали, зийрак киши эди. Унинг Исмол халифаси бўлишдек юксак мақсади бўлиб, ўз ҳаётини шунга бағишлади. У кайфу сафо изламасди, лекин кишилар кўзида ўзини форсларнинг Хисравидан кам тутмаса ҳам, аслида илгариги мусулмонларга хос оддий ҳаёт кечирарди. Бироқ пайти келиб аббосийлар дабдабабозликда дунёдаги барча ҳокими мутлақларни доғда қолдирдилар.

Ал-Маҳдий (755 — 785-йиллар). Ал-Мансурни унинг ўғли Маҳдий алмаштирди. Ҳолид ибн Бармоқнинг ўғли унга вазирлик қилди. Ал-Маҳдий Кичик Осиёда олиб борган урушлари билан машҳур бўлди. Византияликлар ўн беш йилча тинч турдилар. Улар Кичик Осиё томон юриш бошлашлари билан ал-Маҳдий ҳам тезда муносабат билдирди. У ўз ўғли Хорунни (бўлғуси Хорун ар-Рашидни) қўшинларга бош қилиб, жиҳод урушига йўллади. Хорун моҳир лашкарбоши сифатида отасининг ишончини оқлаб, византияликларни ҳар томонлама мағлуб қилиб, уларни Мармар денгизигача қувиб борди. Ўша пайтда Византия империясини император Ирене хоним бошқарарди. У сулҳ сўрагач, Ислом халифасига ҳар йили 8000 динар ҳажмида товон тўлаб туриш шарти билан битим тузилди. Худди ўша тадбирлар натижасига кўра, Хорунга ар-Рашид, яъни қатъиятли унвони берилди.

Ал-Маҳдий ютуқлари. Ал-Мансур Бағдодни барпо этиб кетди. Ал-Маҳдий эса унга одил кишиларни кўчириб келтирди. У рассомлар, ёзувчилар, мутафаккирлар файласуфларни ўта олижаноблик ва саҳийлик билан ёқларди. Унинг подшоҳлик чоғида ақлий фаоллик бобида жуда катта юксалиш кузатилди. Шунингдек, йўллар созланди, савдо-сотиқ ишлари авж олдирилди. Бунинг шарофатидан Бағдодга ташриф буюрувчилар ҳам кўпая борди. Ҳар жиҳатдан қараганда, ал-Маҳдийнинг подшоҳлик даври қисқа, аммо жуда муҳим бўлди, зеро бу ҳаётий аҳамияти катта бўлган воқеалар палласи эди. Ал-Маҳдий кўнгилчан ҳукмдор бўлса ҳам, қуруқ сафсатани ёқтирмасди. Ибн Абдул Қуддус исмли аллақандай бир шайх ниқобланган шаклда зардўштийлар илмини тарғиб қилиб юрганлигини билиб қолганида, дарҳол уни ҳибсга олиб, сўнгра эса бидъатчи («зиндик») деб эълон қилди. Бу чора ҳамма жойда ўзгача фикрлашга чек қўйди.

(Давоми бор).

(Боши ўтган сонларда).

Синф раҳбарлари, сизлар учун

ТАРБИЯВИЙ СОАТ МАВЗУЛАРИ

Синф раҳбари. У мактабда масъул шахс. Ўзи раҳбарлик қилаётган синфнинг кўзи ва қулоғи, маънавий отаонасидир. Бир сўз билан айтганда, бош тарбиячи. Тўғриси, синфга раҳбарлик қилишни осон деб бўлмайди. Ҳамма ҳам уддасидан чиқа бермайди.

Синф раҳбари фаолиятида тарбиявий иш асосий ўринни эгаллайди. Шу боис синф раҳбари ҳафтада бир марта тарбиявий соат машғулотларини олиб боради. Бу машғулотларни сифатли, қизиқарли қилиб ташкил этиш анча мушкул нарса. Чунки бу машғулотлар учун мавзулар режаси ҳам, дарслик ҳам йўқ. Шу сабабли озгина бўлса ҳам синф раҳбарлари учун методик ёрдам ва улар меҳнатини енгиллатиш мақсадида 5—11-синфлар учун режалаштирилган тарбиявий соат мавзуларини тайёрлаган эдик. Қуйида уларни эътиборингизга ҳавола этамиз.

5-СИНФ

1. Ўзбекистон — мустақил республика. Мустақиллик нима?
2. «Ўқувчилар учун қоида»ни сўзсиз бажариш ва унга амал қилиш — ҳар бир ўқувчининг бурчи.
3. Салом бериш ҳам, алик олиш ҳам фарз.
4. Болалар телевизорни қанча вақт кўриши мумкин?
5. Нон — ризқ-рўзимиз.
6. Синф шуҳрати ва обрўйи учун кураш ҳар биримизнинг бурчимиздир.
7. Телефонда гаплашишни биласизми?
8. Қишлоғимиз тарихини биласизми?
9. Китоб қачон ва қандай пайдо бўлган?
10. Халқ оғзаки ижодида она-Ватан мадҳи.
11. Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат.
12. Соғ танда — соғлом ақл.
13. Ростгўйлик ва ёлғончилик ҳақида.
14. Ирода нима? Кимни иродали дейиш мумкин?
15. А. Навоий меҳр-оқибатли бўлиш ҳақида.
16. Камтарлик ва ғурур ҳақида.
17. Ватан остонангдан бошланади.
18. Онам — парвонам.
19. Миллий урф-одат — миллий бойлик.
20. Тартиб-интизомли бўлиш — одоб белгиси.
21. Ҳовли-жойни тоза тутиш — соғлиқ гарови.
22. Кийиниш маданияти ҳақида.
23. Қаноат ва сабр-тоқатли бўлиш — яхши фазилат.
24. Боболар жасорати мангу яшайди.
25. Кимни дўст ва ўртоқ дейиш мумкин?

6-СИНФ

1. Мустақиллик кунига. Ўзбекистон — Мустақил давлат.
2. «Ўқувчилар қоидаси»га сўзсиз амал қилиш ва уни бажариш ҳар бир ўқувчининг бурчи.
3. Туғилган кунни қандай нишонлайсиз?
4. Тилга ихтиёрсиз — элга эътиборсиз.
5. Ноҳия тарихини биласизми?
6. Ўзбек миллий мусиқа бастакорлари ҳақида.
7. Китоб — билим манбаи.
8. Нон — ноннинг ушоғи ҳам нон.
9. Сизлашишми ёки сенсираш.
10. Меҳнат инсонни улуғлайди.
11. Хушмуомалали ва мулойим табиатли бўлиш — фазилат.
12. Бурч ва вазифани қандай тушунасиз?
13. Чекиш ва гиёҳвандликнинг инсон саломатлигига зарари.
14. Саломатлик — туман бойлик.
15. А. Навоий Ватан ва ватанпарварлик ҳақида.
16. Жамоат жойларида ўзингни тута биласанми?
17. Ота — оила таянчи.
18. Онам — меҳрибоним.
19. Меҳмон кутиш одоби ва расм-русмлари.
20. Табиатни муҳофаза қилиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.
21. Майда ўғрилик ва унга белгиланган жазо.
22. Ҳалоллик ва ростгўйлик фазилати.
23. Ота-боболар жасорати бизга намуна (учрашув).
24. Тўғри сўз — туғишган акангдай бўлади.
25. Дўстингни айт, кимлигингни айтаман.

7-СИНФ

1. Мустақиллик кунига. Она юртим — олтин бешик.
2. «Ўқувчилар учун қоида»ни бажариш ва унга амал қилиш бурчимиз.
3. Меҳржон — ҳосил байрами.
4. Инсон меҳнати билан гўзал.
5. Она тили — онам тили.
6. Безорилик жиноятга бошлайди.
7. Инсон қанча умр кўради?
8. Санъат — саодатим (санъат турлари ҳақида).
9. Тежамкорлик — кони фойда.
10. Кийиниш одоби. Қаерга қандай кийиниш мумкин.
11. Салом бериш ва кўришиш одоби.
12. Билим бахт келтиради.
13. Спитамен шу замин фарзанди.
14. Ҳақиқий чин дўст деб кимни айтиш мумкин?
15. А. Навоий касб ва ҳунар ўрганиш ҳақида.
16. Ҳаётда қаҳрамонлик кўрсатиш мумкинми?
17. Дазмол босиш сирлари.
18. Ота-она — улуғ зот.
19. Табиатни муҳофаза қилиш урф-одатлари.
20. Овқатланиш одобини биласизми?
21. Вилоят номини ва тарихини биласизми?
22. Бугунги ишни эртага қолдирма.
23. Кимни одобли ва аълочи ўқувчи дейиш мумкин?
24. Касблар ҳақида суҳбат.
25. Мен ота-онамга ёрдамчи.

8-СИНФ

1. Мустақиллик куни. Ўзбекистон — она-Ватан.
2. «Ўқувчилар учун қоида»ни бажариш ва унга амал қилиш бурчимиз.
3. Ўқитувчи — Устоз.
4. Сўзлашиш ва нутқ маданияти ҳақида.
5. Кино ва театрдаги одоб қоидалари.
6. Кўча ва жамоат жойларда ўзини тута билиш.
7. Кўргазма, музей, кутубхона ва қироатхонадаги одоблар.
8. Совға бериш ва олиш одоби. Кимга қандай совға қилиш мумкин?
9. Меҳмон кутиш одоби. Меҳмон ва мезбон одоби.
10. Дастурхон тузатишни биласизми? Оддий ва байрам дастурхони ҳақида.
11. Стол ёки дастурхон атрофида ўтириш одоби.
12. Ўзбек миллий урф-одат ва анъаналари.
13. Оилада тежамкорликка қандай амал қиласиз?
14. Жиноят ва жазо.
15. А. Навоий одоб-ахлоқ ҳақида.
16. Она-Ватанни ҳимоя қилиш ҳар биримизнинг бурчимиз.
17. Чекиш — кони зарар.
18. Ота-онани ҳурматлаш миллий урф-одатлари.
19. Наврўз — миллий байрам.
20. Она-табиат ёрдамга муҳтож.
21. Имон, эътиқодни қандай тушунасиз?
22. Савоб, увол, гуноҳ сўзларининг қандай маъноси бор?
23. Уйда қандай гуллар ўстирилади? Гул ўстириш сирлари.
24. Маданий обидалар — халқ мулки.
25. Темур Малик, Жалолиддин Мангуберди — миллий қаҳрамонлар.

9-СИНФ

1. Мустақиллик кунига. Мустақиллик халқимизнинг асрий орзуси эди.
2. Ўқувчилар қоидасини бажариш ва унга амал қилиш — ўқувчининг асосий бурчи.
3. Меҳнат ва бахт эгизак.
4. Китоб — буюк мўъжиза.
5. Ўзбек тили ва атамалар.
6. Амир Темур — миллий қаҳрамон.
7. Бибихоним, Шоҳизинда ва Улуғбек обидалари ҳақида нималарни биласиз?
8. Санъаткор — халқ ардоқлаган касб. Санъатдан бахт топганлар.
9. Касбим — фахрим. Чевар элга ёқар.
10. Кулгу одоби. Жамоат жойларида гаплашишни биласизми?
11. Ватан, ватанпарварлик нима? Уни қандай тушунасиз?
12. Пулпарастлик, молпарастлик нафсига қул бўлиш — маънавий қашшоқлик.
13. Меҳр-шафқатли, ор-номусли дегани нима?
14. Кийим-кечак ва пойабзали қандай тозалаш мумкин?
15. А. Навоий сахийлик ва саховат ҳақида.
16. Касал кўриш ва ёши улуғ кишиларни зиёрат қилиш одоби.
17. Дўстликни қадрлаш одоби.
18. Етти отасини билиш ҳам қарз, ҳам фарз (ёки фарзанд бурчи ҳақида.).
19. Сув ва электр энергиясидан тежамли фойдаланиш.
20. Узоқ умр кўриш сири.
21. Туристик саёҳат ва походда бўлиш одоби.
22. Жамоат транспортида юриш одоби.
23. Одобни беадабдан ўрган.
24. Менинг севимли касбим.

10-СИНФ

1. Мустақиллик кунига. Ўзбекистон — тенглар ичра тенг давлат.
2. Ўқувчилар қоидасини бажариш ва унга амал қилиш — бурч.
3. Кийиниш одоби ва меъёри.
4. Пардоз-андоз қилиш ўқувчига хосми?
5. Тил ва муомала одобини билиш фазилати.
6. Инсон ҳуқуқини ва бурчини ифодалайдиган қонунларни биласизми?
7. Дўконда, ошхонада, буфетда амал қиладиган одоб қоидалари.
8. Меҳнат инсон ҳаётининг биринчи эҳтиёжи ва заруратидир.
9. Камтарга камол, манманга завол.
10. Об-ҳавонинг соғлиққа таъсири борми?
11. Касбим — фахрим (баҳс ва учрашув).
12. Оилангизда ҳаражатлар ва даромадлар дафтари юритасизми? Қандай?
13. Маданий муомала — инсон зийнати.
14. Халқ табобати нима? Уни қандай тушунасиз?
15. А. Навоий маданият арбоблари ҳомийси.
16. Муҳаммад алайҳиссалом — пайғамбаримиз.
17. Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда ота-она ҳақида.
18. Миллий ўзига хослик деганда нимани тушунасиз?
19. Бирни кессанг, ўнни эк, дейишади. Нима учун?
20. Она-табиатни ўзгартириб бўладими?
21. Атроф-муҳитни тоза сақлаш — бурчимиз.
22. Одам оламни безайди.
23. Меҳмондўстлик — миллий урф-одат ва олий фазилат.
24. Қуръони Карим ва Ҳадиси шарифда билим олиш ҳамда ҳунар ўрганиш одоби.
25. Мен севган қаҳрамон.

11-СИНФ

1. Мустақиллик кунига. Мен мустақил давлат фарзандиман.
2. Мактаб ички тартибини бажариш ва унга бўйсиниш — бурч.
3. Таълим ва тарбия. Уларнинг қайси бири муҳим?
4. Қиш ғамини ёзда е. Нима дегани?
5. Уйда совутгич бўлмаса, озиқ-овқат маҳсулотларини сақлай биласизми?
6. Тилингни авайла — омондир бошинг. Сўзингни авайла — узаяр ёшинг.
7. Инсонларга яхшилик қилиш — олижаноблик.
8. Характерни тарбиялаб бўладими?
9. Спиртли ичимлик — соғлиқ кушандаси.
10. Касбнинг катта-кичиги бўлмайди (ишчи касблари ҳақида).
11. Чин дўст деб кимни айтиш мумкин?
12. Виждон эркинлиги ва инсон ҳуқуқини қандай тушунасиз?
13. Оила урф-одатлари ва анъаналари.
14. Садоқатни қандай тушунасиз?
15. А. Навоий эл ардоқлаган шоир.
16. Исмоил ал-Бухорий — буюк ватандошимиз.
17. Ислом дини ва хотин-қизлар.
18. Ислом дини — тарбия воситаси.
19. Наврўз шоирлар ижодида.
20. Гўзаллик нима?
21. Халқ қўшиқлари, ашулалари, термалари — бойлигимиз.
22. Хат ёзиш ҳам санъат.
23. Юриш-туриш, кийиниш ва муомала маданияти.
24. Менинг ота-онам олдидаги бурчим.
25. Менинг орзуйим (баҳс).

Шамидулла ОТАҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти Пайариқ районидаги 69-ўрта мактаб директорининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари.

СИЗНИНГ ФИКРИНГИЗ?

МУАЛЛИМЛАР МАОШИ ҲИСОБИДАН СТИПЕНДИЯ

Наманган вилоятининг Уйчи туманидаги 31-ўрта мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари аълочиларни ўз маошлари ҳисобидан мукофотлай бошладилар.

— Бугунги ўқитувчи масъулияти ҳар қачонгидан ҳам бошқача, — дейди мактаб илмий бўлим мудири Тошпўлат Тожибоев. — Биз мустақил мамлакатимизни қонуний эркинлик шароитида ривожлантиришга қодир кишиларни тайёрлашимиз керак. Бунинг учун ёшларни маърифатга қизиқтириш жуда-жуда зарур. Бир сўмнинг ҳам ўрни билинадиган тангликка қарамай, ҳар ойлик маошимиздан аълочиларни рағбатлантиришдан муддао ана шу.

Ташаббус муаллифлари туман халқ маорифи бўлимида ишлаш билан бирга шу мактабда дарс берувчи Баҳодир Устабоев, директор Раъногул Ҳамроқулова, унинг ўринбосари Ҳайитбой Усмонов, тарихчи Абдумалик Дадахоновлар ҳам ўз ватанпарварлик ҳаракатларини шундай изоҳладилар.

Савобнинг катта-кичиги бўлмайди. Келажак бугунги ўзбек муаллимининг ҳуррият тонготарида кўрсатган бундай эзгулигини фидойилик деб баҳолаши шубҳасиз.

М. ОБИЛОВ.
Наманган вилояти.

Бош муҳаррир
Аҳмаджон ДОЛИМОВ.

А. Авлоний номли халқ таълими ходимлари малакасини ошириш Марказий институти жамоаси институт ходими А. Хожибоевга онаси
Лутфихон ХОЖИБОЕВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Таъсис этувчилар: Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги, Халқ таълими ва фан ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Педагогика жамияти

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.

ТЕЛЕФОНЛАР: масъул секретарь — 32-54-17, хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 33-04-21, 52-35, нашриёт диспетчери — 32-78-94, нашриёт телефон станцияси навбатчиси — 33-90-50.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концернининг босмахонаси. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32.
№ Г-471. ИНДЕКС: 64595. Босишга топшириш вақти 20.00. Босишга топширилди. 20.00. Тираж 44761.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12